Шу азиз Ватан—барчамизники!

Ишонч

2

1995 йил 13 январь (196)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш жараёнини осонлаштириш ва тартибга солиш ҳақидаги Фармонни имзолади.

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" қарор қабул қилди.

ХАЛҚ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг бўлиб ўтган биринчи сессиясида 1994 йил якунлари ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама этилди. Сессияда Республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Республика Президентининг тавсиясига биноан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Эркин Рўзиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

ХАЛҚ депутатлари Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари кенгашларининг биринчи сессиялари бўлиб ўтди. Уларда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида олиб борилган ишлар ва навбатдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кўрилган ташкилий масалаларда Сурхондарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келган Ж. Норалиев, Бухоро вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келган П. Абдураҳмонов, Сирдарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келган Ғ. Ҳасанов, Хоразм вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келган М. Жуманиёзов қайтадан вилоятлар ҳокимлари этиб тасдиқландилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси Жўқорғи Кенгесининг бўлиб ўтган биринчи сессиясида 1994 йил якунлари ва 1995 йилда Қорақалпоғистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Уббиниёз Аширбеков қайтадан Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси этиб тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Вильгельм Хойкни қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди. Президент саройида Ўзбекистон Президенти ва унинг рафиқасини Польша Президенти Лех Валенса рафиқаси билан кутиб олди.

Президент саройининг оқ залида Президент Ислом Каримов Польша Давлати раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди.

Ҳар икки давлат раҳбарларининг учрашувида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Президентлар маросим ниҳоясида журналистлар билан учрашдилар, уларни қизиқтирган саволларга

Бугунги сонда:

3-бет — Сунъий тафаккур соҳиблари...

5-бет — Одамийлик сабоқлари

6-бет — Мустақиллик ва маданий меросга муносабат

8-бет — Қулай, гўзал ва бежирим Илми нужум талқинлари

Эртага—Ватан ҳимоячилари куни



Ҳарбий қисмлардаги зобит ва курсантлар Ватан ҳимоячилари кунини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олмоқдалар. Улар ҳарбий машқларда чиниқиб, замонавий қурол-яроғларнинг сир-асрорларини ўрганаётирлар. Бу Ватан ҳимоячиларининг мустақил республикамизда иккинчи марта нишонланаётган байрамга муносиб совғаси бўлади.

Суратда: Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртининг бир гуруҳ курсантлари ҳарбий машқлардан олган таассуротлари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

БОШЛАНГАН йилимизнинг ҳар бир куни муҳим воқеалар билан нишонланмоқда. Иқтисодиёт билан бевосита шуғулланувчилар ва айниқса тадбиркорлар учун Республика Президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони эълон қилинган кун тарихий сана бўлиб қолди. Бир ҳафтадан бери ушбу фармон, унинг аҳамияти ҳақида турли табақа кишилари даврасида қизғин мусоҳабалар давом этяпти. Фармоннинг энг муҳим бандлари тарихий аҳамиятга молик эканлиги бир овоздан эътироф этиляпти. Ушбу фармоннинг чиқиши билан иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Маълумки, Фармон тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар очиб беради. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, шунингдек қурилиш фаолияти билан, таъмирлаш, тузатиш-қурилиш, маиший ва коммунал хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар рўйхатга олинган кундан бошлаб икки йил мобайнида даромад солиғи тўлашдан озод қилинади. Фақат бугуна эмас. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ташкил қилишга, техника билан жиҳозлашга сарфланадиган маблағлар хусусий корхоналар даромадидан олинадиган солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқиш чоғида эътиборга олинади. Албатта, бундай ёндошув эндигина иш бошлаган хусусий корхоналарнинг тезда оёққа туриши, иқтисодий мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Хусусий корхоналар равнақига ҳалақит бераётган тўсиқлардан бирининг олиб ташланиши, яъни хусусий корхоналарда ёлланиб ишлайдиган ходимлар сони бўйича чеклашларнинг бекор қилиниши ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Фармон хусусий корхоналарни рўйхатга олишдаги сансалорлик, бюрократик тўсиқларга ҳам қатъий зарба берди. Эндиликда қонунларда кўзда тутилган ҳужжатлар корхона жойлашган ҳудуддаги ҳокимиятга топширилиши билан уч кун муддат ичида рўйхатга олинади.

Хусусий корхоналарнинг ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни харидорга етказиб беришларини осонлаштиришга қаратилган банд ҳам тадбиркорларимизга катта ёрдам беришига шубҳа йўқ. Фермерлар ва хусусий корхона эгалари шу йилнинг биринчи чораги охирига бориб, ўз маҳсулотларини ихтисослаштирилган улгуржи савдо бозорларида сотиш имконига эга бўладилар.

Фармонда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминловчи яна кўпгина аниқ тадбирлар белгиланган. Жумладан, тегишли республика вазирликлари, идоралари, концерн, корпорация ва уюшмалар хусусий корхоналарнинг нормал ишлаши ҳамда равнақ топиши учун барча шароитларни яратиб беришга сафарбар қилинади.

Хуллас, республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира боришнинг, бозор иқтисоднёти муносабатларини жорий этишнинг изчил йўлидан оғишмай бораётгани юқоридаги Фармон мазмунида яна бир бор намоён бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, фақат ўтган йилнинг ўзида бозор иқтисоднётига ўтиш жараёнларини бошқаришга хизмат қилувчи юздан ортиқ қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси тадбиркорлик ҳаракатини кенг авж олдириш, умуман, иқтисодий ислоҳотлар бўйича белгиланган марраларни оғишмай эгаллаш имконини беради. Янги шароитларда мамлакатимизнинг иқтисодий қуввати тинмай юксалиши таъминланади.

МЕҲМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Республикамизга ташриф буюрган Германия Социал Демократлари Партияси раисининг ўринбосари, Бундестаг депутати Гмелин Ҳерта-Дойблер билан шу партиянинг кузатувчи масъул ходими Гизела Наук қабул қилиндилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов, раиснинг биринчи ўринбосари Т. Собитов меҳмонларга республика касаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши, унинг вазифалари, ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолиятлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Германиялик дўстлар Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг бориши билан қизиқдилар. Бу айни вақтда касаба уюшмалари сафларининг озайиб кетишига сабаб бўлмаяптими, деган савол билан мурожаат этдилар.

Ҳ. Жамолов мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида кейинги пайтларда касаба уюшмалари аъзолари сони камайиб бораётган бир вақтда Ўзбекистонда аксинча уларнинг сафи ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Сабаби республикамизда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи халқчил ва оммавий ташкилот бўлибгина қолмай, у аҳолининг соғлигини, болаларнинг саломатлигини муҳофаза этувчи асосий таянчдир. Собиқ СССР парчаланганидан кейин Ўзбекистон касаба уюшмалари ўзининг мустақиллик мақомига эга бўлди.

Гмелин Ҳерта-Дойблер ўз навбатида Германиядаги сиёсий, иқтисодий аҳвол ҳусусида мезбонларга маълумот берди. Ўз мамлакати касаба уюшмалари фаолияти билан таништирди.

Қабулда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосарлари М. Тўлаганова, З. Қодиров, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Ганс Юргин Кайльхольц, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар Вазирлиги Европа бўлимининг биринчи котиби В. Анисов қатнашдилар.

"Ишонч" мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди. Ҳабибулло Абдураҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси, кенгаш ва раёсат аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Ҳозиргча вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят ҳокимлиги назорат инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлаб келган Каримжон Раимжонов вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси ва раёсат аъзоси этиб сайланди.

Мажлисда вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Зоир Қодиров, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Каримжон Раимжонов нутқ сўзладилар.

"Ишонч" мухбири.

ДАСТУР ВА НИЗОМ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

СОҒ ТАНДА- СОҒЛОМ АҚЛ

КАСАБА уюшмалари "Ўзбекистон" жисмоний тарбия ва спорт жамиятилари Марказий ва Тошкент вилоят кенгашларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон касаба Уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳалари асосида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Бу хусусида жамият Марказий Кенгаши раиси В.Бойконинг маърузаси тингланди. Шунингдек, мажлисда "Болаларни соғломлаштириш ва спорт резервларини тайёрлаш соҳасида касаба уюшмаларининг болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ишини такомиллаштириш ҳақида"ги масала ҳам кўрилди. Бу ҳакда жамиятнинг Тошкент вилояти Кенгаши раиси Б.Тожиев маъруза қилди.

Маърузачилар ва музокараларда сўзга чиққанлар республикада вужудга келган молиявий, иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Марказий Кенгаш ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан меҳнат жамоаларида, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида оммавий жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишларини ривожлантириш бўйича маълум ишлар олиб борилганлигини таъкидладилар. Меҳнаткашлар, ўқувчилар, ногиронлар, қишлоқ ёшлари республика комплекс спартакиадаларининг, талабалар универсиадасининг биринчи босқичлари кўплаб қатнашчилар иштирокида юқори савияда ўтди. Касаба уюшмалари жамиятларининг физкультурачилари республика спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Улар халқаро спорт мусобақаларида ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар. Касаба уюшма спортчилари XII Осиё ўйинларида 5 та олтин, 7 та кумуш, 3 бронза медалларини қўлга киритдилар.

Нотиқлар вужудга келган иқтисодий шарт-шароитлар ва республикада ўтказилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмаларининг янги матндаги ҳаракат Дастури ва Низоми лойиҳаларини асосан маъқуллаш билан бирга, бу ҳаётий ҳужжатларга ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги касаба уюшмалари ҳаракатининг стратегия ва тактикасини, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни қайта кўриб чиқиш, уларни жисмоний тарбия, ва спорт машғулотлари билан соғломлаштириш борасидаги бир қатор вазифаларни ҳал қилиш зарурлиги тўғрисидаги қарашларини қўллаб-қувватлайдилар.

Касаба уюшмалари болалар-ўсмирлар спорт мактаблари тармоқларини, шаҳар, туман ва вилоят кенгашларини молиявий таъминлашнинг қатъий тартибини яратишлари керак. Бу тартибот халқ хўжалиги тармоқларининг барча меҳнат жамоаларида, турар-жойларда жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини бевосита олиб боришга, асосий жисмоний соғломлаштириш дастурини маблағ билан таъминлашга, спорт иншоотларини бунёд этишга кўмаклашади.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Ҳ.Жамолов мажлисда нутқ сўзлади. Кенгаш раисининг ўринбосари М.Тўлаганова, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси О.Сафоев, бир қатор тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмиталари раислари мажлисда қатнашдилар.

Тожибой Алимов,
"Ишонч" мухбири.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳаракат Дастури ҳамда Низоми лойиҳаси қўмитамизнинг бўлиб ўтган конференцияси иштирокчиларининг диққат марказида турди. Вакиллар мазкур ҳужжатлар матнини бир овоздан маъқулладилар. Сўзга чиққан нотиқларнинг аксарияти сайланадиган қўмита учун Дастур ва Низом бозор муносабатлари шароитида муваффақиятларга эришиш асоси эканини таъкидладилар.

Бу қувонарли ҳол эди, албатта. Негаки, касаба уюшмалари ходимлари ҳамда оддий аъзолари, одатдагидан фарқли ўлароқ, мазкур ҳужжатларни ўз истаклари билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Ҳаётни, тўғрироғи, янги шароитда қандай яшаб, қандай ишлашни чуқурроқ идрок қилишга интилиш ортмоқда. Демак, кишилар ўз тақдирларини касаба уюшмалари билан боғлаб, уларга ишонч билан қарашмоқда.

Янги Дастур ва Низом лойиҳаларига қизиқишнинг бу қадар ортиши сабабларидан яна бири, у ҳам бўлса, бу ҳужжатларда халқимизнинг миллий хусусиятлари, шарқона удумларининг бозор муносабатлари хусусияти ва талаблари билан

ЯХШИ ИШЛАШ АСОСИ

уйғунлашган ҳолда ўз ифодасини топганидир. Бу табиийки, удумларимизнинг янгича шароитларда янада такомиллашиб, инсонпарварлик туйғуларимизнинг бойиб боришига ишонч туғдиради.

Лекин, ҳозир, олма пиш-оғзимга туш, деб туришнинг пайти эмас. Шундай экан, янги Дастур ва Низомнинг қанчалик халқчил ва яшовчан бўлиши учун пухта-пишиқ тайёрланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари аъзоларидан фойдали таклифлар келиб турибди.

Таклифларнинг бирида "Янги Низомда Федерация Марказий Кенгаши мажлисига Республика Олий Кенгаши мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш ваколатини бериш масаласи ҳам киритилса" дейилса, бошқа бир таклифда гап аъзолик бадаллари тўғрисида кетганда, бошланғич касаба уюшмалари, туман, шаҳар, вилоят қўмиталари, Республика тармоқ касаба ташкилотлари ихтиёрида қоладиган бошланғич касаба ташкилотларидан ўтказиб бериладиган аъзолик бадалларининг миқдори аниқ кўрсатилишини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Сабаби-ки, бозор иқтисодиёти ҳисоб-китоблар аниқ бўлишини ёқтиргани сингари, касаба уюшмалари ташкилотлари аъзолари ҳам, ўзлари тўлаётган аъзолик бадалларининг қаерга нима мақсадлар учун сарфланишини билиб туришлари жуда зарур.

Янги таркибда сайланган қўмитамизнинг дастлабки ишларидан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳаракат Дастури ва Низоми лойиҳаларини жойларда чуқур ўқиб-ўрганишни ташкил қилишдан иборат бўлмоқда.

Ҳамид ҚЎЗИМУРОДОВ,
Савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамиятлари ходимлари касаба уюшмалари Сурхондарё вилояти қўмитаси раиси.

МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Марғилон шаҳар касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши тузилганига 1 йилча вақт бўлди. Лекин шу қисқа давр ичида бу кенгашнинг ҳаёт учун зарурлиги исботланди. Биз тармоқ касаба уюшмаларини жипслаштириб, бошланғич ташкилотлар билан яқин алоқа боғлаб ҳокимликлар билан ҳамкорликда анчагина ишларни амалга оширдик.

Биз биринчи навбатда бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлаб, уларга амалий ёрдам беришни уюштирдик. Масалан, "Ёдгорлик" фабрикаси, "Ипак" ва "Атлас" бирлашмалари, "Саховат" ҳиссадорлик жамияти, солиқ инспекцияси, жамғарма банки, меҳнат биржаси каби ташкилотларда касаба уюшмаси ишлари тубдан яхшиланди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ўша жамоаларнинг жонкуяр вакиллари раис этиб сайланди. 58 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган 158 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сафи корхоналар, хусусийлаштирилган жамоалар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бунинг учун тинмай изланишга, ишлашга тўғри келяпти. Шаҳар Кенгаши қошида жамоатчилик асосида 7 та комиссия раислари ишимизга катта ёрдам беришяпти. Масалан, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлик комиссиясига 15-қурилиш трести бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Раҳматилла Йўлдошев бошчилик қилади. У тез-тез корхоналарга боради, муаммоларни ҳал қилишга сидқидилдан ёрдам беради.

Ҳуқуқий масалар комиссиясига эса давлат муассалари ходимлари касаба уюшмалари Марғилон шаҳар қўмитаси раиси Маърифатхон Охунжонова бошчилик қилади. Маърифатхон меҳнат қонунлари, пенсия масалалари хусусида тушунтириш ишларини олиб боради.

Шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликдаги ишларимиз ҳам самарали бўляпти. Шаҳар кенгаши аралашуви ва ҳокимлик ёрдами билан кам таъминланган оилалар учун 420 минг сўм, уруш ва меҳнат фахрийлари ва ногиронлар уйларини таъмирлаш учун 1 миллион 600 минг сўм, тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларнинг шаҳар ичида қатновчи автобусларда юришлари учун 3 миллион 700 минг сўм сарфланди. Шунга ўхшаш кўп йирик ишлар амалга оширилди.

Гапнинг қисқаси, касаба уюшмалари ишида мувофиқлаштириш кенгашлари жуда зарур деб ўйлайман. Уларга кенг йўл бериш керак.

Тоҳиржон ҲОМИДОВ,
Марғилон шаҳар касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши раиси.

Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги "Зарафшон" жамоа хўжалиги жамоаси ўтган хўжалик йилини ҳар соҳада муваффақиятли якунлади. Бунда хўжалик касаба уюшма ташкилотининг муносиб ҳиссаси бор албатта. У бу ердаги 620 нафар касаба уюшма аъзоларини ижодкорона меҳнатга сафарбар этишда катта ўрин тутмоқда.

Суратда: жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси Собиржон Мамасодиқов (чапдан учинчи) хўжалик аъзолари Сайёра Шукурова, Шоди Юсупов ҳамда Норбой Абдулаҳадовлар билан касаба уюшмаларининг янги матндаги Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳалари хусусида фикр алмашмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АДРЕСЛИ ЁРДАМ

ВИЛОЯТДАГИ барча жамоа хўжаликлари касаба уюшма қўмиталари оилавий шароити оғир, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож хонадонларни рўйхатга олган. Биргина Чортоқ туманида 1994 йилда юзга яқин ёрдамга муҳтож оилаларга адресли ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Учқўрғон туманидаги "Андижон", "Қўтай", "Қайқиобод" ва Улуғбек, Янгиқўрғон туманидаги Дали Сатторов, Жўра Охунов номидаги жамоа хўжаликларида ўнлаб хонадонларга пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кийим-бош етказиб берилди. Чодак олтин конида Наманган қурилиш трести ишчи-хизматчиларига йиллик олган маошларининг 5-10 фоизи миқдорида кўмак кўрсатилди.

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

"Соҳибкор" жамоа хўжалиги Тўрақўрғон туманида боғдорчиликка ихтисослашган. Соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати билан 1994 йилда мўл ҳосил олиниб режа ортиғи билан адо этилди.

Хўжалик бошқаруви қўлга киритилган даромаддан боғбонлар турмуш маданиятини юксалтириш, қишлоқларни ободонлаштириш мақсадлари учун фойдаланмоқда. Жумладан, якунланган йилнинг ўзидагина 12,5 чақирим узунликда газ тармоқлари бунёд этилди. Натижада 1-, 2-"Соҳилобод" маҳаллалари, Оқтош шаҳарчаси аҳолиси "зангори олов"дан баҳраманд этилди. Умуман, шу кунда хўжалик қишлоқлари аҳолисининг 90 фоизи тутунсиз ёқилғи билан таъминланган. 1995 йилда бу иш тўла-тўкис ниҳоясига етказилади.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири.

Ҳисобот — сайловлар

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНСИН

(Тошкент вилояти касаба уюшмалари XVI уюшмалараро конференциясидан)

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг олисни кўзловчи сиёсати ва ғамхўрлиги туфайли ўлкамизда хусусий мулк манфаатлари ҳимоя қилиниб, тадбиркорлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Кўп сонли касаба уюшмалари ҳам мулкчилик ўзгаришига, хусусий мулк кенг қамровли бўлиб, аҳолини қўшимча иш ўринлари ва харидорбоп моллар билан таъминлашига ўз улушларини қўшиб келмоқдалар.

Куни кеча бўлиб ўтган Тошкент вилояти кенгашининг биринчи сессиясида Республикамиз Президенти Ислом Каримов сўзлаган нутқида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни секин кечаётганлигини таъкидлаганлиги, кўпчиликнинг бу борадаги фикрини ойдинлаштирди. Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Д. Жаҳонгирова ўз маърузасини ана шу масаладан бошлади.

— Ўтган йилнинг 11 ойида касаба уюшмалари, меҳнат жамоаларининг розилиги ва иштирокида давлат тасарруфида бўлган 849 та мулк хусусийлаштирилди. Хусусийлаштириш жараёнида давлат бюджетига 128 миллион 858 минг сўм пул тушди. Эришилган натижа бугунги кун талаби даражасида эмас. Бунинг устига мулкчилик шакли ўзгарган кўпгина корхоналарда кутилган натижага эришилмади.

Ҳа, вилоятда мулкчилик бошқа шаклларга ўтказилсада, уларда ишлаб чиқариш кам бўлиб қолмоқда. Бунга хусусий мулк эгаларининг олдида кутилмаган муаммолар пайдо бўлаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигини ошириш учун касаба уюшмалари давлат ҳудудий мулкчилик органлари, ҳокимиятлар ҳузуридаги нозирликлар билан ҳамкорликда шартнома-битимларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтирмоқда. Шартнома-битимлардаги моддалар бажарилмай қолган ҳолларда корхона раҳбарининг шахсий масъулияти масаласи муҳокама қилинмоқда.

Касаба уюшмалари шартнома-битимни бузган хусусий мулк эгаларини мулк ҳуқуқидан юридик ва жисмоний маҳрум этиш механизмини тайёрлашда иштирок этадилар.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашларнинг аризалари ва оғзаки мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилди. Ҳисобот даврида вилоят касаба уюшмалари барча тизимига меҳнаткашлардан 2845 та хат тушди.

Аризалар асосида ўтказилган текширишларда раҳбарнинг ноҳақлиги оқибатида ишчиларнинг жабрланганлиги аниқланмоқда. Бу касаба уюшма ташкилотлари меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини етарли даражада назорат қилмаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан раёсат йиғилишларида вилоят ҳокимияти халқ таълими бошқармаси, санитария-эпидемиология станциясида меҳнат муносабатлари қонунийлигини таъминлаш, жойларда меҳнат шартномаларини белгилашнинг контракт усули ҳақидаги масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Айрим касаба уюшмаларининг қўмиталари қонунга хилоф равишда ходимларни ишдан бўшатиш воқеаларида кузатувчи бўлиб, раҳбарлар билан муросасозлик қилмоқдалар. Юқори ташкилотларнинг аралашуви билан 62 нафар ишчи ва хизматчи ишга қайта тикланди.

Касаба уюшмалари олдидаги муҳим масалаларнинг бири ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитини яратишдир. Кейинги вақтларда меҳнат техник нозирлари фаолияти самардорлигини ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди. Ҳисобот даврида корхона ва ташкилотларда 4600 дан кўпроқ текшириш ўтказилди. Аниқланган меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилишига барҳам бериш, ишчилар учун зарур шароитларни яратишга қаратилган 78000 дан кўп тадбир амалга оширилди. Бу даврда меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этмаган 161 раҳбар ходим вазифасидан бўшатилди, 929 кишига жарима солинди.

Меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш тадбирларига 1,5 миллиард сўм, шу жумладан, 880 миллион сўм жамоа шартномаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича битимларида кўзда тутилган ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатишга сарфланди.

Ҳисобот даврида 5500 та умумий ишлаб чиқариш шикастланиши юз берди. Деҳқончилик-саноат мажмуи, қурилиши ва бинокорлик материаллари, автомобиль транспорти ва тош йўллар, электростанция ва электротехника саноати корхоналарида нохушлик билан тугаган шикастланишлар кўпаймоқда. Кўнгилсиз воқеалар содир бўлган тармоқ касаба уюшмаларида ишчилар меҳнат хавфсизлиги курсларида ўз вақтида ўқитилмаяпти. Корхоналарнинг раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлар белгиланган муддатларда меҳнат муҳофазаси бўйича аттестациядан ўтказилмаяпти.

Республикамизнинг "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонунида раҳбарларнинг ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш масъулияти тўла акс эттирилган.

Ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш муаммоси билан фақат давлат секторигина эмас, хусусий, қўшма, ижара ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларидаги корхоналар ҳам жиддий шуғулланишлари лозим.

Анжуман қатнашчилари тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузасини ҳам тингладилар. Уни вакил Мавлуда Муҳиддинова ўқиб берди.

Ҳар иккала маъруза юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот маърузаларида қамраб олинмаган масалалар хусусида тўхталдилар:

Эркин РЎЗИЕВ — Тошкент вилояти ҳокими:

— Халқимизда дўст ачитиб гапиради деган нақл бор. Энг оммавий ва таъсирчан жамоа ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг вилоят ишлаб чиқаришида тутган мавқеи сезиларли даражада сусайиб қолди. Эндиги вазифа унинг олдинги мавқеини тиклаш, вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги хайрли ишлар кўламини кўпайтиришдан иборатдир.

Вилоятда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида маълум ишлар қилинди. Бироқ қишлоқларда ижтимоий муаммолар ҳал қилинмай тўпланиб қолди. Бўка, Пискент, Оққўрғон, Паркент туманларидаги қишлоқлар 20-25 фоизга газлаштирилганлиги буни исботлаб турибди. Бу туманларни газлаштиришга ҳукуматимиз катта миқдорда маблағ ажратди. Жорий йилда вилоятдаги асосий муаммоларнинг бири бўлган газлаштириш борасида муҳим қадам қўйилади.

Ўтган йили вилоят ҳокимлиги касаба уюшмалари кенгаши билан имзолаган битимда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари хизмат вазифаларини бажараётган пайтда транспортдан фойдаланишда имтиёзлар яратиб бериш кўзда тутилганди. Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Паркент, Пискент, Ўрта Чирчиқ туманларида бу масала ижобий ҳал этилди. Лекин Оққўрғон, Оҳангарон, Зангиота туманларида, Олмалиқ шаҳрида бу масала эътиборсиз қолдирилди. Касаба уюшмалари кенгаши билан биргаликда битимда кўзда тутилган моддани бажармаган ҳокимларнинг ҳисобини эшитишни йўлга қўяйлик.

Вилоятдаги кўпгина саноат корхоналарида ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Бинокорлик материаллари, кимё, машинасозлик, металлургия саноати тармоқларида ишчи ва хизматчилар чанг, газ аралашмалари бўлган, табиий ва сунъий кам ёритилган, шовқинли жойларда меҳнат қилмоқдалар. Касаба уюшмалари жойларда ҳокимликлар ва корхона раҳбарлари билан биргаликда оғир ва зарарли меҳнат шароитини бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаши лозим. Бу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг дам олиши, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғри ташкил этилмоғи керак.

Президентимизнинг вилоятимиз биринчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидланган камчилик ва нуқсонларда барчамизнинг айбимиз бор. Бу камчиликларни бартараф этиш учун барча туман ва шаҳар ҳокимлари, бўлим ва бошқарма бошлиқлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари қаторида вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳам жиддий хулосалар чиқариб, камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилаб олсин.

Камол ШОДИМЕТОВ — Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси:

— Йил якунида ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинмоқда. Хўжалик раҳбарлари ва касаба уюшмаси қўмиталарига ишлаб чиқариш жароҳатланишини олдини олиш бўйича тавсиялар берилган маълумот хати юборамиз. Кўрилган чораларга қарамай меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги учун бахтсиз ҳодисалар содир бўлиб турибди.

Маърузаларни муҳокама қилишда Чирчиқ трансформатор заводи касаба уюшма қўмитасининг раиси Г. Любовь, касаба уюшмалари физкультура ва спорт жамиятлари вилоят ва шаҳар кенгашининг раиси Б. Тожиев, Тошвилоятюктранс" концерни бошқарувининг раиси С. Юсупов, Олмалиқ шаҳар тадбиркорлар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Н. Шабритовалар сўзга чиқишди.

Анжуманда Д. Жаҳонгирова касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раислигига қайта сайланди. Т. Ортиқов, деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси К. Шодиметов касаба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар. Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойига делегатлар сайланди, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов, Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиевлар қатнашдилар.

Саидазим ШАРОФХОНОВ,
"Ишонч" мухбири.

КАСАБА УЮШМАСИ ЙИЛНОМАСИДАН

1933 ЙИЛ, ФЕВРАЛЬ. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг учинчи мажлиси бўлиб, унда 900 қишлоқ жамоа хўжалигида экув-тикув ишларини йўлга қўйиш мақсадида бош-қошликни қўлга олиш ва бу жамоа хўжаликларига таъмирлаш бригадалари юборишга қарор қилинди.

1936 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон касаба уюшмалари бир йил ичида саводсизликни битириш мактаблари ва шу мактабларни ўқув қуроллари билан таъминлаш учун 2134 минг сўм ажратди.

Худди шу йили Андижон касаба уюшма ташкилотлари ўзи мутасаддилигидаги 12 жамоа хўжалиги аҳолисига телефон алоқалари ўрнатди. Шунингдек, 7 жамоа хўжалигини радиолаштирди. Айрим хўжаликларга эса электр тушириб берди.

1937 ЙИЛ, ФЕВРАЛЬ. Давлат хўжалиги ва МТС ишчилари уюшмалари Марказий Қўмитасининг IV мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда барча МТС ва жамоа хўжаликлари ишчи-деҳқонларининг вазифаларини белгилаб берди.

МАРТ. Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг IX мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари аъзолари ўртасида саводсизлик ва чаласаводликни йўқотиш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, мажлис республикада саводсизликни йўқотишга қаратилган ишларни яхшилаш ва чора-тадбирлар кўришни белгилаб берди.

1939 ЙИЛ, ИЮНЬ. Наманган шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари Катта Фарғона Каналига 882 ишчи юборди.

1940 ЙИЛ. Республикада касаба уюшмаларига қарашли 276 кутубхона бўлиб, ундаги китоб ва журналлар сони 633 мингга етган эди. Шунингдек, касаба уюшмалари тасарруфида 340 клуб ишлаб турарди.

1941 ЙИЛ, 22 ИЮНЬ. Урушнинг биринчи кунидан бошлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз ишини "Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!" шиори остида олиб боришга киришди. Касаба уюшмалари ходимлари "СССР касаба уюшмалари"нинг иккита самолёт эскадрильяси ва танк колоннаси қурилиши учун муносиб ҳисса қўшишга киришган эди. Шунингдек, уруш ногиронлари ва жангчиларнинг оилаларини моддий рағбатлантиришга бош-қошлик қилди. Жангчиларнинг болаларига нисбатан ғамхўрликни оширишни ўз зиммасига олди.

1942 ЙИЛ, ФЕВРАЛЬ. Ангрен шахта қурилишида касаба уюшмалари ташкилоти тузилди.

ФЕВРАЛЬ. Ўзбекистон металлургия заводи қурилишида қурилиш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси тузилди. Бу қўмитага 3 мингдан ортиқ аъзо бирлашди. Шунингдек, завод қошида ўз ичига 1275 нафар аъзони бирлаштирган алоҳида қўмита ҳам тузилди.

1943 ЙИЛ, 4 АПРЕЛЬ. Фарҳод ГЭСи қурилиши касаба уюшмаларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда саноат қурилиши ишчилари касаба уюшмаси қўмитаси сайланди. Касаба уюшмаси ташкилотларининг ташаббуси билан бу қурилиш учун 950 нафар малакали ишчилар қайта тайёрланди. Уларнинг 736 нафари ишдан ажралмаган ҳолда ўқишга қатнашдилар.

УРУШНИНГ биринчи кунидан бошлаб касаба уюшмаларининг ташаббуси билан болалар муассасаларига 137400 бола жойлаштирилди.

Бозор иқтисодиёти чорраҳаларида

СУНЪИЙ ТАФАККУР СОҲИБИ...

ЁҲУД КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДА МУХТАСАР СУҲБАТ

— XXI аср мустақил Ўзбекистонимиз учун электроника асри бўлади! Ёш, иқтидорли олим, 29 ёшида техника фанлари доктори илмий даражасига эришган Шарифжон Пўлатов фикри шундай.

Бу гапни у беҳуда айтмаган. Электроникасиз, компьютерларсиз, келажаги буюк давлатни бунёд этиш ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Халқ хўжалиги ва маънавий ҳаётимизнинг барча соҳаларида сунъий тафаккур соҳиблари инсон изида бўлиши ва унинг энг яқин кўмакчисига айланиши керак.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори, республика Марказий банки Ахборотлаштириш (компьютерлаштириш) департаментида бўлим бошлиғи Ш. Пўлатов билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Шарифжон Йигиталиевич, ҳозирги кунда жамиятда компьютерлаштиришнинг ўрнини сиз қандай баҳолайсиз?

— Ҳажми чоғроққина ёзув курсисига жо бўладиган, ташқи хотирловчи қисми эса юпқагина оҳанграбо варағидан иборат сунъий тафаккур соҳиби — замонавий ЭҲМнинг қўлидан келмайдиган иш қолмаётир. ЭҲМлар ҳар бир исталган соҳада ўз яратувчиси — инсон билан баҳс бойлашиб, ундан ўзиб ҳам кетмоқда.

Айниқса, ҳозирги кунда ҳаётнинг барча жабҳаларида ахборотлаштиришсиз, муҳим қадам қўйилиши қийин. Чунки табиат билан мулоқотда бўлиш, унинг ресурсларини ҳисоб-китоб қилиш, ер ости қазилмаларини аниқлаш, мураккаб ҳисоблаш ишларини бажариш: табобат, янги бозор тизимига ўтиш ва шу каби қатор соҳаларда энг долзарб масалаларни ахборотлаштиришсиз тўғри, ижобий ҳал этиб бўлмайди.

Шу туфайли ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов хорижий мамлакатларга қилган сафарлари чоғида, айниқса, тараққий этган давлатларнинг илғор технологиясига алоҳида эътибор беради. Республикамизда ҳар бир соҳа мутахассисларига шу технологияни пухта ва чуқур ўрганиб, амалда жорий қилишга даъват этади. Шулар қаторига энг замонавий компьютерлар ва бошқа турли электрон техникалар асосида жамиятни ахборотлаштириш масаласи ҳам киради.

Ҳозирги кунда жамиятда ахборотлаштиришнинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасини ахборотлаштириш мақсадида "Ахборотлаштириш ҳақида" ҳамда "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларнинг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва "Ўзбекистон Республикасини ахборотлаштириш концепциясини маъқуллаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Бу қонунлар ва қарордан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда республикани компьютерлаштиришни давр талаб этмоқда ва бунга кенг йўл ҳам очилмоқда.

— Республикамиз иқтисоднётиннинг қайси жабҳаларида ушбу тадбирлар ҳаётга жадал тадбиқ этилаяпти?

— Ҳозирги кунда республиканинг барча муҳим идора ва муассасаларини компьютерлаштириш кенг тус олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги "Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 146-сон Қарорида банк тизимини ҳам компьютерлаштириш масаласи қўйилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Республикада банк тизимидан ташқари солиқ, ички ишлар ва бошқа тизимларда ҳам компьютерлаштириш юзасидан фаол иш олиб борилаяпти ва бу тизимларда ахборотлаштириш тадбирлари ўз дастлабки самараларини бера бошлади.

— Сизнингча, компьютерлаштиришни янада кенг йўлга қўйиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак?

— Бу соҳани янада яхши йўлга қўйиш учун аввало "Режа — Лойиҳа — Режа" услуби асосида бир қатор тадбирларни амалга оширишни таклиф этган бўлур эдим. Бу услубга мувофиқ, компьютерлаштириш бўйича режа тузилади ва унга кўра компьютерлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Сўнгра ушбу лойиҳанинг ўзини амалга ошириш режаси тузилади. Барча тадбирлар ана шу услубга асосан олиб борилса, олдинга қўйилган муаммонинг камида ярми ечилади, деган гап. Масалан, муайян дастур ишлаб чиқилиб, у ЭҲМ хотирасига киритилса, компьютер бемалол мураккаб ҳисоблаш ишларини бажариши, айтайлик, шахмат ўйнаши, шифокорлик қобилиятини намоён этиши, ҳатто, инсон яратган сунъий ақл соҳибининг иқтидори шу қадарки, у сиз учун бадиий роман ёки қисса ёзиб бериши мумкин. Фақат энг асосий шарти — ЭҲМнинг хотира қурилмалари учун дастурлар тузиш, ёзиб бериш инсон изида, инон-ихтиёрида бўлади.

Компьютерлар зиммасига қанчалик кенг кўламдаги ва мураккаб топшириқларни юкласак, шунчалик кўп ютамиз.

— Бу соҳада қандай муаммолар бор?

— Менимча, бу соҳада иккита асосий муаммо бор. Булардан бири маблағ таъминоти бўлса, иккинчиси ва энг асосийси компьютерлаштириш соҳасидаги мутахассислар масаласидир. Биринчи муаммо, яъни маблағ-таъминоти бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай, аста-секин бўлса-да ҳал этиб борилаётир. Иккинчи муаммо бўйича фикрим шундан иборатки, компьютерлаштириш соҳасидаги мутахассислар хорижий мамлакатларга бориб иш ўрганиб, у ердаги мутахассислар билан тажриба алмашишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, яна Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ўрта мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа ўқув муассасалари ўқув дастурларида ахборотлаштириш дарсини кўпайтириш ҳам сабоқларнинг дунё стандартларига мос келадиган компьютер техникалари билан жиҳозланган алоҳида ўқув синфларида ўтказилишини таъминлаш зарур. Ўшанда ёш авлод сунъий онг соҳиби бўлмиш ЭҲМлар билан сирлаша ва баҳслаша олади ҳамда биз мураккаб дастурлар ишлаб чиқиб, компьютерлар хотирасига киритадиган, уларни эркин бошқарадиган мутахассислар учун замин ҳозирлаган бўламиз.

— 2000 йилдан сўнг Ўзбекистонни қандай тасаввур этардингиз?

— Мен XXI аср Ўзбекистонимиз учун "Электроника асри" бўлишини орзу қиламан. Бунда мамлакатимиздаги ҳар бир онлада компьютер ва бошқа электрон техникаларни бўлишини, улар ёрдамида ҳар бир фуқаро республика ҳудудидаги ҳамда хорижий мамлакатлардаги фуқаролар билан бир зумда боғланиб, алоқага чиқа оладиган даражага етишини тасаввур этаман. Келажакда нафақат муассаса ва ташкилотлар, балки мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва амалий фаолиятлар ҳам ушбу ақлли техникалар асосида амалга оширилса ажаб эмас.

Суҳбатдош: Олимхон НАЗАР,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлигининг ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Зироат Мухиддинова, етакчи мутахассиси Мастура Хожиматовалар жавоб беришади:

Мен 2-гуруҳ ногиронман, ишламайман. 1994 йил 1 июлга қадар 2 та вояга етмаган фарзандим учун пенсиямга қўшимча ҳақ олар эдим. Менга янги пенсия қонунига асосан болаларим учун берилаётган қўшимча тўланадими?
Эргаш УМАРОВ,
Қўқон шаҳри.

Янги пенсия таъминоти тўғрисидги қонунда пенсионерларнинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига қўшимча бериш кўзда тутилмаган. Бунинг ўрнига шу йил 1 сентябрдан бошлаб барча болали оилаларга болалари 16 ёшга тўлгунча оиланинг даромадидан қатъий назар ҳар ойда нафақа тўланадиган бўлди. Бунда бир болали оилага энг кам иш ҳақининг 10 фоизи, иккита болалига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи, 3-4 болали оилага эса 40 фоиз, 5 ва ундан ортиқ болали оилага эса энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида нафақа тайинланади.

Ёшим 75 да, қарилик пенсияси оламан. Уруш йилларида жамоа хўжалигида ишлаганман. Турмуш ўртоғим 1945 йили урушда ҳалок бўлган. Пенсиямга қўшимча бериладими?
Муниса УБАЙДУЛЛАЕВА,
Фарғона шаҳри.

Янги қонунга асосан Сизга уруш давридаги хизматларингиз учун энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида, урушда ҳалок бўлган турмуш ўртоғингиз учун ҳам энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча берилиши керак.

Мен 1-гуруҳ байналминалчи ногиронман, 1 июлдан бошлаб 5 ёшли фарзандимга тўланаётган қўшимча тўхтатиб қўйилди. Турмуш ўртоғим ишламайди. Менга қараб турган турмуш ўртоғимга қандай имтиёзлар белгиланган.
Ботир АЛИМОВ,
Андижон шаҳри.

Сизга "Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга асосан пенсия тайинланган. Ҳозирги пайтда бу Қонун ўзгармаган. Пенсиянгизга фарзандингиз учун қўшимча берилиши керак. Турмуш ўртоғингизнинг ишламасдан Сизга қараб турган даврлари пенсия тайинлашда иш стажга киради.

Мен 1980 йилда иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли 2-гуруҳ меҳнат ногирони бўлиб қолдим. Ишламайман. Шу даврларим иш стажи ҳисоблнадими?
Шуҳрат ОЛИМОВ,
Наманган шаҳри.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган янги пенсия қонунига асосан 1-2-гуруҳ меҳнат ногиронларининг ва касб касаллиги ногиронларининг ишламаган даврлари ҳам иш стажига киритилади.

Янги пенсия қонунида кўп болали оналарга қандай имтиёзлар берилган?
Барнохон АЛЛАМУРОДОВА,
Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳри.

Амалдаги пенсия Қонунида ҳам 5 ва ундан ортиқ бола туғиб уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёлларга 50 ёшга етганларида ва камида 15 йил ёки болага қараб турган даврни қўшиб ҳисобланганда 20 йил иш стажи билан қарилик пенсияси тайинланади.

Янги қонунда кўп болали аёлларга 15 йилдан ортиқ иш стажи учун энг кам иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида қўшимча бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари аёлларнинг ишлаш-ишламаслигидан қатъий назар болалари 3 ёшга тўлгунча бола парвариши билан банд бўлган даври 6 йил доирасида иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Шунингдек, чўпонларнинг турмуш ўртоқлари 5 йиллик иш стажига эга бўлсалар, яйловларда яшаган даври 10 йил доирасида иш стажига ҳисобланадиган бўлди.

Мен 1980 йилдан буён "Яккабоғ" жамоа ширкат хўжалигининг сунъий музхонасида электркара ҳайдовчиси бўлиб ишлайман. Бу касб эгаларига имтиёзли пенсия тайинланадими?
О. ҚЎЛДОШЕВ,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 1-2-3-сонли рўйхатларда электркара ҳайдовчиларига имтиёзли пенсия тайинлаш кўрсатилмаган.

Мен 1964 йилдан 1986 йилгача прораб вазифасида, 1986 йилдан ҳозиргача раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдаман. 50 ёшдаман, 55 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?
И. ШЕРМАТОВ,
Фарғона вилояти, Дангара тумани.

Амалдаги пенсия Қонунига асосан қурилишда прораб бўлиб ишлаган шахслар эркаклар иш стажи 25 йил бўлиб, шундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келса, қарилик пенсияси тайинлаш учун талаб қилинадиган ёшдан 5 йил аввал имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Сиз 20 йил прораб бўлиб ишлаган экансиз. Демак, 55 ёшга тўлганингизда имтиёзли пенсия олишингиз мумкин.

Мен 56 ёшдаман "Ўзселхозхимия" ишлаб чиқариш бирлашмасида 25 йилдан буён ишлаб келмоқдаман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?
Неъматжон ТЎРАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти, Булунгур шаҳри.

Амалдаги пенсия Қонунида "Ўзселхозхимия" соҳасида ишловчи ходимларга имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган.

* * *

Мен 47 ёшдаман, 2-гуруҳ ногиронман. Илгарилари 4 нафар фарзандим учун пенсиямга нафақа қўшиб берилар-ди. 27 йил иш стажига эгаман. Болаларимга кийим-кечак пули бериладими?
Ф. ТИЛАВОЛДИЕВ,
Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри.

1994 йил 1 июлдан бошлаб "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги янги Қонунда пенсионерларнинг қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига қўшимча бериш кўзда тутилмаган. Бунинг ўрнига шу йил 1 сентябрдан 16 ёшгача фарзанди бўлган барча болали оилаларга, даромадидан қатъий назар ҳар бир бола учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ойлик нафақа тўланадиган бўлди. Болалар учун ҳар чоракда бериладиган кийим-кечак пули бекор қилинган.

Қаҳрамон онаман, ёшим 54 да 5 йиллик иш стажига эгаман. Мен қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эгаманми?
Холдор ИБРОҲИМОВА,
Жиззах вилояти, Зомин тумани.

Амалдаги пенсия қонунига асосан қарилик пенсияси тайинлаш учун талаб қилинган иш стажга эга бўлмаган аёлларга, 55 ёшга етганларида мавжуд бўлган иш стажларига мутаносиб тарзда қарилик пенсияси тайинланади. Аммо, Қаҳрамон оналарга бу пенсия миқдори тўлиқ энг кам меҳнат пенсияси миқдорида тайинланади. Сиз 55 ёшга етганингизда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

1-гуруҳ ногиронман, мен қандай имтиёзлардан фойдаланиб, қаерда даволанишим мумкин?
Номоз ШАФРИҚОВ,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани.

Биринчи гуруҳ умумий касаллик бўйича ногиронлар қуйидаги имтиёзларга эга:

— пенсияга энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида қўшимча қўшиш;

— шифокор рецептига кўра дориларни 50 фоиз арзон нархда сотиб олиш;

— тиббий кўрсатмага асосан икки йилда бир марта сиҳатгоҳларга бепул йўлланма олиш (ижтимоий таъминот бўлимларида шифокор кўрсатмаси асосида навбатга олинади ва таъминланади);

— тиббий кўрсатмага асосан протез-ортопедия маҳсулотлари, велокресло, коляскалар билан бепул таъминланади;

— қишки-кузги мавсумда 1 октябрдан 15 майгача шаҳарлараро темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортидан 50 фоиз арзон нархда фойдаланиши (ижтимоий таъминот бўлимларида пенсионер гувоҳномасига бу имтиёз ҳақида белги қўйилади);

— давлат уйида истиқомат қилувчилар уйларини бепул хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;

— телефон навбатсиз ўтказилади;

— 1 гуруҳ ногиронлари ишласалар, даромадларидан олинадиган солиғ 50 фоиз камайтирилади;

Республика аҳамиятига эга шахсий нафақага чиққанман. Менга қандай имтиёзлар бор.
Абдулла ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

Республика миқёсидаги шахсий пенсионерлар қуйидаги имтиёзларга эга:

— шифокор рецептига кўра дори-дармонларни 80 фоиз арзон нархда сотиб олиш;

— тиббий кўрсатмага асосан ишлайдиганлар иш жойидан, ишламайдиганлар ижтимоий таъминот бўлимларидан сиҳатгоҳларга бепул йўлланма билан таъминланади;

— шаҳар ичида қатновчи барча турдаги транспортдан (таксидан ташқари), қишлоқ жойларда ҳудудда қатновчи пассажир автобусларидан бепул фойдаланиш;

— коммунал хизматдан фойдаланишда 50 фоиз арзон нархда ҳақ тўлаш (электроэнергиянинг фақат 110 киловат-соат миқдорига ҳар ойда имтиёзли ҳақ тўланади), газлаштирилмаган жойларда қаттиқ ёқилғини ҳам 50 фоиз арзон нархда олиш мумкин.

Ўқитувчи бўлиб ишлаганман, 2 гуруҳ ногиронман, мен қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?
Деҳқонбой МАТМУСАЕВ,
Фарғона вилояти, Дангара тумани Каттатурк қишлоғи.

2-гуруҳ ногиронлари қуйидаги имтиёзларга эга:

— шифокор рецептига кўра дориларни 50 фоиз арзон нархда сотиб олиш;

— тиббий кўрсатмага асосан икки йилда бир марта сиҳатгоҳларга бепул йўлланма олиш (ишлайдиганлар иш жойидан, ишламайдиганлар ижтимоий таъминот бўлимларидан йўлланма билан таъминланади);

— тиббий кўрсатмага асосан протез-ортопедия маҳсулотлари, велокресло, коляскалар билан бепул таъминланади;

— қишки-кузги мавсумда 1 октябрдан 15 майгача шаҳарлараро темирйўл, автомобиль ва ҳаво транспортидан фойдаланишда 50 фоиз арзон нархда чипта сотиб олиш (ижтимоий таъминот бўлимларида пенсия гувоҳномасига бу ҳақда белги қўйилади);

— давлат уйида истиқомат қилувчилар уйларини бепул хусусийлаштириш ҳуқуқига эгадирлар;

— ишлайдиган 2 гуруҳ ногиронларининг барча даромадларидан 50 фоиз кам миқдорда солиқ олинади.

КИМЁГАРЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА

МАҚСАДСИЗ ИШ БИТМАС



ЎЗБЕКИСТОН маиший кимё ашёлари ишлаб чиқариш бирлашмасида 430 ишчи ва хизматчи меҳнат қиляпти. Маъмурият корхона ишини барқарорлаштирищ, энг зарур хом ашё билан таъминлаш, технологик қурилма эҳтиёт қисмлари сотиб олишни йўлга қўйиш учун барча чора-тадбирларни кўряпти. Иқтисодиётимиздаги танглик туфайли вужудга келган қатор муаммоларни, бозор муносабатига ўтишнинг мураккабликларни ўзимиз ҳал қилаяпмиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида касаба уюшма қўмитаси зиммасидаги бурч ва масъулият ҳар қачонгидан ортган. Асосий эътибор Президентимиз кўрсатиб ўтган 5 тамойилнинг бири бўлган меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини кўришга қаратилгандир.

Корхона бойлигини, обрўсини ишчи-хизматчилар яратяпти.

Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бирлашмамизда бирмунча ишлар амалга оширилди. 90 ишчи ва хизматчиларнинг уй-жойлари корхона ҳисобидан бепул ва арзон нархда хусусийлаштириб берилди.

Бирлашма маъмуриятининг истиқболни кўра билиши, жамоамизнинг фидокорона меҳнати туфайли бу йил 4953000 сўм миқдорида фойда олинди. Бу фойда ҳисобига ишчи-хизматчилар бир қатор имтиёзларга эришдилар.

Ижтимоий суғурта маблағидан ва олинган фойдадан сиҳатгоҳларга, дам олиш уйларига 51 та йўлланма ажратилди. Йўлланмаларнинг 90 фоизи меҳнаткашларга бепул берилди. Самарқанд, Бухоро шаҳарларига, Чорвоқ, Чимён, Оқтош оромгоҳларига саёҳатлар уюштирилди.

Корхона ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Бирлашма касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан республика ташҳис қўйиш (диагностика) маркази, "Она ва бола" республика шифохонаси, ҳарбий госпиталь, эндокринология илмий-текшириш институти билан пулли тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан шартномалар тузилди. Бу саломатлик марказларида жамоамизнинг 96 ишчи ва хизматчилари тиббий кўрикдан ўтдилар, дардларига даво топдилар.

Ишчи ва хизматчиларимизни рағбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатиш учун 3443000 сўм миқдорида маблағ ажратилди. Меҳнат таътилига кетаётган ҳар бир ходимга 1 ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатиляпти. Корхонамизда кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган қариялар, меҳнат ва уруш фахрийлари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Ҳамза тумани Уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти, 30-сон болалар уйи тарбияланувчиларига ҳам баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатяпмиз.

Дарҳақиқат, корхонамизда ўртача иш ҳақи 1200 сўмни ташкил этади.

Халқимизда мақсадсиз иш битмас, деган нақл бор. Меҳнатсевар ва изланувчан жамоамиз ўз олдига қўйган мақсад ва режаларни муваффақиятли ҳал қилади.

Д. ТУРСУНОВА,
Ўзбекистон маиший кимё ашёлари ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

РЕЖАЛАР АНИҚ

"НАВОИАЗОТ" ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишга туширилганига яқинда 30 йил тўлди. Ҳозирги кунда корхонада 50 дан ортиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши натижасида минглаб ишчи-ўринлари сақлаб қолинди. Бу ерга қишлоқ хўжалигига зарур бўлган минерал ўғитлар билан биргаликда, эпоксид смоласи, нитрон толаси ва улардан тайёрланган калавали иплар, кир ювувчи ва оқловчи воситалар, саноат маҳсулотлари четдан олиб келинди. Яқинда эса Сибирдан тўқув дастгоҳлари келтирилди. Эндиликда дастгоҳларни ишга тушириш ишлари якунланмоқда. Янги цехларда мебелбоп, кийим-кечаклар учун ҳар хил матолар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Юқорида қайд қилинган яхши ишларда ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитасининг ҳиссаси каттадир. Қўмита ёрдамчи цехларда иш шароитини яхшилаш ва уларни унумли меҳнат қилиш имкониятига эга бўлиши учун, цех раҳбарлари ва цех касаба уюшмалари билан иш олиб бормоқда. Корхонада юбилей муносабати билан ўтган тантанада илғор ишчиларга, меҳнат фахрийларига вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг фахрий ёрлиқлари, корхона маъмуриятининг қимматбаҳо буюмлари топширилди. Шунингдек, уларга кимё тармоқлари корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди.

Юқоридаги тадбирларни бажариш имконияти истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш эвазига бунёд бўлади. Шунинг учун кимёгарларнинг режаси катта.

О. ИСҲОҚОВ.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Касаба уюшмаси санаторий-курортда даволаниш, дам олиш ва болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар нархининг кўп қисмини ўз зиммасига олади.

Кимёгарлар касаба уюшмаси қарамоғида ўнта ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳи бор.

Касаба уюшма аъзоси касаба уюшма уйлари, маданият ва спорт саройлари, кутубхоналар, дам олиш ва сайёҳлик масканлари, даволаш-профилактика муассасаларидан имтиёзли равишда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

ЖУМЛАДАН, "Оқтош" санаторийси нафас олиш аъзолари касалланган кишиларни даволаш учун махсус даволаш-профилактика муассасасидир.

Санаторий "Электрохимпром" Чирчиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси дам олиш маскани базасида қурилган бўлиб, иқлим шароити ниҳоятда қулай,махсус қурилган маълум мақсадларга ва санитария-гигиена талабларига жавоб беради.

"ЧИМЁН" пансионати эса Тошкент шаҳридан 110 км.да Чотқол тизма тоғларининг этагига жойлашган 100 ўринли мўъжазгина, шинам пансионат Тошкент воҳасининг энг манзарали ва мафтункор бурчакларидан бирига жойлашган. У кўм-кўк дов-дарахтларга бурканган, денгиз сатҳидан 1800 — 2000 метр баландликда соф тоғ ҳавосига эга. Саҳий қуёш доимо нур сочиб туради, шошқин тоғ дарёси — бу-ларнинг барчаси нафас олиш аъзолари касалланган кишиларни даволаш ва дам олиши учун бетакрор, ажойиб табиат манзарасини яратади.

Бош мезон — жамоа ишончини оқлаш

ЗИЁКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш шароитида юз бераётган ўзгаришлар ҳар бир ишга меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш нуқтаи-назаридан ёндошишимизни талаб қилади. Буни чуқур ҳис этган касаба уюшма қўмитамиз маъмурият билан ҳамкорликда тадбирлар белгилаб, уларни изчил амалга ошириш учун курашмоқда.

Маълумки, ишчи ва хизматчиларимиз зиммасига масъулиятли вазифа юкланган. Яъни истеъмолчиларга узлуксиз электр қуввати етказиб бериш керак. Қолаверса, электр ускуналар доимо талабларга жавоб берадиган даражада соз туриши лозим. Бунинг учун тармоқ меҳнаткашларига етарли даражада иш ва дам олиш шароитлари яратиб берилиши муҳимдир.

Маъмурият ишчи ўринларини кўпайтириш учун янги цехларни ишга туширишда сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Боғот, Шовот, Хива, Янгиариқ туманларида гилам, полос, пўстин, кўйлак ва бошқа кийимлар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар фаолият кўрсатаяпти. Ўз навбатида ана шу маҳсулотларнинг ишчиларимизга арзон баҳода сотилишини таъминлаяпмиз.

Шунингдек, ёрдамчи хўжаликларда гўшт, гуруч, асал, мева каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириляпти. Бу ноз-неъматлар ҳам корхонамиз меҳнаткашлари дастурхонини безамоқда.

Яна шуни айтиш керакки, барча туман электр тармоқларида саломатлик ва дам олиш хоналари барпо этилган. Биргина Қўшкўпир туманидаги 150 ўринли даволаш муолажали оромгоҳимизда нафақат ишчи-хизматчилар, балки вилоятимиз меҳнаткашлари соғломлаштирилмоқда. Ҳатто бу ерга қорақалпоғистонлик ҳамкасбларимизни таклиф этмоқчимиз.

Янгиариқ туманида ҳам дам олиш масканимиз ишлаб турибди. Бу ерда ишчиларимизнигина эмас, уларнинг оила аъзолари ҳам дам олиб, ҳордиқ чиқаряптилар.

Касаба уюшма қўмитамиз ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни эсдан чиқармаяпти. Кўп болали, кам даромадли оилалар, нафақахўрлар, байналмилалчи жангчилар аҳволидан доимо хабардормиз.

Корхонамизда спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Йилнинг ҳар чорагида корхона биринчилиги учун волейбол, футбол, баскетбол, теннис, шахмат-шашка мусобақалари ўтказиляпти. Ғолиблар эса маъмурият ва касаба уюшма қўмиталари томонидан тақдирланади.

Наримон РЎЗИМАТОВ,
Хоразм вилояти электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси.

Одамийлик сабоқлари

ҲАЛОЛЛИК — КАТТА БАХТ

ҚАДИМ замонларда бир мамлакатда ким подшоҳлик тахтига ўтирса — кўп ўтмай дунёдан кўз юмадиган бўлиб қолибди. Бора-бора янги подшоҳни топиш учун бахт қуши учириладиган кунлари одамлар уй-уйларига беркиниб оладиган бўлишибди.

Шундай кунлардан бирида шаҳарлик бир йигит зарурат туфайли кўчага чиқибди-ю, балога қолибди. Навбатдаги бахтсиз подшоҳни излаб учирилган бахт қуши тўппа-тўғри учиб келиб, шу йигитнинг бошига қўнибди.

Бошидан ҳуши учган йигит шу яқин атрофда яшовчи бир доно қариянинг олдига югуриб бориб, бор гапни айтиб, йиғлаб-йиғлаб маслаҳат сўрабди. Қария ўйлаб туриб шундай дебди:

— Бўлар иш бўлибди: кўп куюнаверма, бир чорасини топармиз хотиржам подшоҳлик тахтига ўтиравер.

Йигит ишониб-ишонмай, ҳар қалай кўнгли бироз таскин топиб, чор-ночор подшоҳликни қўлига олибди. Кўп ўтмай у доно қарияни ёнига чақиртирибди. Чол ўйлаб туриб, мамлакатнинг барча фуқаролари биттадан тухум олиб келиб, сарой олдидаги майдонга уюшларини буюр,— дебди.

Фуқаролар катта-кичик, эркак-хотин биттадан тухум олиб келиб, айтилган жойга қўйиб, бир четга чиқиб кутиб туришибди. Тухумлар катта уюм бўлиб уюлиб кетибди. Подшоҳ қариянинг маслаҳати билан буюрибди:

— Ҳар бирингиз олиб келган тухумингизни олиб уй-уйларингизга тарқалинглар!

Одамлар бироз ўйлаб туришибди-да, ўзимиз олиб келган тухумимизни топиб бўларканми? Дуч келганини олиб кетаверамиз-да, деб биттадан тухумни олганча тарқалиб кетишибди.

Буни қаранг-ки: янги подшоҳ ўлмай қолиб, узоқ вақт подшоҳлик қилган экан: Доно қария янги подшоҳни асраб қолган сир қуйидагича экан: Бу миллат фуқаролари жуда ҳалол одамлар экан. Шунинг учун уларнинг дуои-бадлари худога жуда тез етиб бораркан. Бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилиш нима эканини билишмас экан. Янги подшоҳлар билиб-билмай фуқаролардан бирортасини ранжитиб қўйиши билан унинг қарғиши ижобат бўлиб, подшоҳ бевақт дорил-бақодан дорил-фанога юз тутаркан.

Фуқаролар олиб келган тухумлари ўрнига дуч келганини олиб кетганларида бир-бировларига ярим мисқол-бир мисқол ҳақлари ўтиб кетиши туфайли уларнинг ҳалолликларига путур етиб, дуои-бадлари ўтмай қолган экан.

Бу афсона бежиз дунёга келмаган. Ҳалолликни халқимиз ана шундай олий мақом масъулият, барча бахтли ва бахтсизликларнинг бош сабабчиси деб билган.

Ҳа, ҳалоллик бутун инсоният тарихида энг юксак инсоний фазилат сифатида таърифлаб келинади. Бунга қадимий донишмандлар ижодидан истаган мисол топиш мумкин. "Ўз ҳалоллигини намойиш этиш кўпроқ хуш хулқ одамга ярашади, дейди, жумладан, Арасту. "Узоқ шармандалик умрдан кўра, қисқа, ҳалол умрни ҳамиша афзал кўр"— Эпиктет шундай маслаҳат беради.

Буюк Француз мумтоз ёзувчиси Виктор Гюго бир жойда "Буюкликка энг яқини ҳалолликдир" деса, яна бир сафар "Ҳақиқат ва адолат тимсолига айланган буюк халқнинг ҳалоллиги одамга яшиндек таъсир этади" дейди. Яна бир йирик француз ёзувчиси Эмиль Золя таърифини эса, ушбу мақоламизга сарлавҳа қилиб олдик.

Мўмин мусулмон кишининг ҳалол яшаши ҳақида Қуръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг Ҳадиси Шарифларида ҳам кўп бор айтилган, яъни ҳалол яшаш фарз даражасига кўтарилган: ҳалол одам кўнгли очиқ, қалби тоза, дили пок бўлади. Ҳалол одам беозор, беғараз ва самимий бўлади. Ҳаётда ҳалол одамлар кўп бўлгани учун ҳаёт тароватли, жозибали. Ҳалол одамнинг иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам.

Ҳалоллик — энг яхши хатти-ҳаракатлар, аҳлоқий барқарорлик ўзаги бўлиб, ижтимоий ҳаёт чорраҳаларидаги фаолиятига бериладиган баҳо, олий мезондир. Ҳалоллик энг яхши хулқий хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб, у инсон эътиқоди билан чамбарчас боғлиқдир. Эътиқодли одамлар — ҳалол одамлардир.

Ҳалоллик — жамият ҳаётида ижтимоий маъно касб этиб, у жамият ҳаётининг аҳлоқий талабларига, ижтимоий турмуш қоидаларига онгли ва ихтиёрий амал қилишга хизмат қилади. Ҳалоллик — жамият ҳаётида энг муҳим аҳлоқий омил ҳисобланади. Шу боис жамият аъзолари бойлик орттириш учун рақобат авж олган шароитда ҳалолликка амал қилмасалар, жамиятда аҳлоқсизлик кучаяди. Ҳалолликка суянган жамият бозори аҳлоқийдир. Аммо ҳалоллик бозорда бошқа арзон моллар каби сотилса, унга амал қилинмаса, аҳлоқсизлик авж олиб, бу жамият ўзини ҳам, аъзоларини ҳам барбод қилади.

Ҳалоллик ва ростгўйлик инсоннинг Аллоҳ олдидаги мажбурияти, бурчи, инсонлар жамияти, ҳайвонот ва наботот олами олдидаги масъулияти ҳамдир. Ҳар бир инсон қадамини ўйлаб босиши, хатти-ҳаракатларни ўйлаб қилиши, яъни ҳар ишни "етти ўлчаб бир кесиши", "аввал ўйлаб сўнг сўйлаши" ҳалоллик ва ростгўйликка қанчалик амал қилиши даражасини кўрсатади.

Инсоннинг фаолиятда қатъийлиги, ваъда-аҳдига, лафзига вафоси ҳамма замонларда ҳалоллик аломати, уларга риоя қилмаслик эса виждонсизлик, иккиюзламачилик қусури сифатида баҳоланган.

Фаолиятда қатъийлик, ваъда-аҳдга вафо, ишчанлик яхши сифатлар бўлиб, ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳам аслида ҳалоллик белгисидир. Ҳалоллик бўлмаган жойдаги ишчанлик, учарлик, устаомонликдир. Демак ҳалоллик ва ростгўйлик фаолиятида қатъийликни талаб этади. Фаолиятдаги қатъийлик нима? Қатъийлик — инсон ўз нуқтаи назарини ҳалоллик қонун қоидалари, низомлари асосида, онгли ва изчил суратда ҳимоя қилишдир.

Инсоннинг ҳалоллиги ва ростгўйлиги ана шу фаолият қатъийлигида ёрқинроқ намоён бўлади. Ўзининг ҳақлигига ишонган киши қатъий бўлиб, у ҳаётий жумбоқлар олдида довдираб қолмайди ва уни инсон ечишга, енгишга ўзида қодир куч топади.

Ҳалоллик-маънавий бойлик. У инсонда табиий бир фазилат бўлиб, аслида табиатнинг оқилона оқими билан уйғундир. Ҳалол одамга ҳамма ишонади, унга ёрдам беради, ҳалол одам мулкдор, бой бўлса, ундан ёрдам олувчилар кўп бўлади. Ҳалоллик ҳаётда ҳамма ишларнинг тартибли бўлишини таъминлайди. Ҳалоллик бошқа хулқий фазилатларнинг посбони бўлиб, у гўё шам каби нур таратади. Ҳалоллик бор жойда нур-ёруғлик бор, меҳр-оқибат, садоқат бор. Самимий, ҳаққоний муносабат икки киши ўртасидаги дўстликни муносабатларини янада нурлантиради, ўзаро ишонч, бир-бирини тушунишга йўл очади, ёлғон ва таъмага ўрин қолдирмайди; "Муҳаббатдан муҳаббат бўлур пайдо, Муҳаббатсиз кишидан қоч, Хувайдо", дейди шоир.

Ҳаётда яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён бўлганидек, ҳалол одамлар ёнида ҳамиша ўзини виждонли санаган қаллоблар, ғирромлар, муттаҳамлар, хушомадгўйлар ҳам бўлади. Ҳалоллик, тўғрилик ҳақида ваъз айтиб, кўкрагига урадиган тилёғлама, товламачи, риёкорларнинг қанчасини биласиз. Улар ўз нафсониятларини қондириш учун ҳалол одамларни бадном қиладилар, бошқаларига яхши кўриниш учун минг мақомга йўрғалайдилар, ғийбат, бўҳтон тўрини тўқийдилар. Эгри одамнинг махсус белгиси йўқ, лекин ҳийла ва найранглари бир кун фош бўлади, албатта. Чунки эгри одамлар номаъқул хатти-ҳаракатлари билан тўғри одамларнинг ишончини йўқотиб борадилар.

Муттаҳамларнинг шунинг учун ошиғи олчиқи, улар ҳалол одамларга муттаҳамлардек муносабат қилганлари ҳолда, ҳалол одамлар муттаҳамларга худди ҳалол одамлардек муносабатда бўладилар. Ҳалол одамлар андишали, ор-номусли, уятчан, шарм-ҳаёли бўлганликларидан юзсизлар, сурбетлар, муттаҳамлар олдида ҳамиша ерга қараб, уялиб андиша қилиб турадилар. Шу боис муттаҳамлар "Андишанинг отини қўрқоқ қўядилар". Муттаҳамлар, қаллоблар, доимо тил топишга, бирлашишга, ошна, нон-қатиқ бўлишга интиладилар: "Кўр-кўрни қоронғуда танийди", "Ўғри-ўғри билан қоронғуда топишади". Эгрилик, найрангбозлик, кўзбўямачилик, мунофиқликнинг манбаи ҳайвоний нафс лаззатига асир тушиш, ҳаром ишлар билан ҳалол ишларнинг фарқига бормаслик, ҳаромҳариш топилган луқмадир. Ҳаром луқма ҳалоллик ҳиссини мавҳ этади.

Ҳалоллик — сахийлик, меҳрибонлик, мурувватлилик, саховат каби яхши хулқларнинг қўрғонидир. Ҳалол одамлар найрангбозларнинг қилиғидан беҳад нафратланади, ҳаромҳаришдан нафсини тияди, ўзини чеклайди. Ҳалоллик моддий муҳтожликдан устун бўлиб, у маънавий комиллик йўлидир. Ҳалол одам ҳаёт қийинчиликларига, муҳтожликларга чидайди, сабр қилади, ғам-андуҳга берилмайди. Аллоҳга бўлган фикр, Шукур, Сабрин дастур билади. Ҳалол одамнинг кийими эски бўлса ҳам, маънавий олами бой, руҳияти ниҳоятда покдир. Ҳалол одамнинг қудрати ва саодати — унинг маърифат нурига чўлғанганидир.

Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо бадном қилиб бўлмайди. Ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳақликда гумон қилишдир, деган эди бир донишманд. Шуни унутмаслик керакки, одам қанчалар ақлли, эпчил бўлмасин, ҳалоллигини йўқотса, у пасткаш бўлиб қолади. Нопоклик, эгрилик кишини қийин аҳволга солади. "Бизни алдаган бизлардан эмасдир" деган эканлар Муҳаммад Алайҳиссалом.

Ҳалол одам ҳақиқат ва адолат тимсоли бўлиб, у бошқаларга яшиндек таъсир этади. Инсоннинг кўнгил майли билан ақл-идрок чироғи бирга қўшилса, яъни кўнгил майли пилигига ақл-идрокни ёғ қилиб қўйган одам ҳалол бўлади. Иккисидан ёнган чироқ маёқ бўлиб, шуъла сочади. Ҳалоллик, тўғрилик — инсоннинг энг катта бахти.

Ғулом ҒОФУРОВ,
ТошДУ доценти, филология фанлари номзоди.

ЧЕТ ЭЛ КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

ШВЕЦИЯ КАСАБА УЮШМАЛАРИ. Мамлакатда учта касаба уюшмалари маркази фаолият олиб боради. Швеция касаба уюшмалари маблағлари асосан аъзолик бадалларидан ташкил топади. Бадалларнинг ўртача миқдори меҳнатчининг ойлик маоши 1,5 фоизидан иборат.

Бадаллар жамоа шартномасига мувофиқ кўп ҳолларда бевосита корхона кассаси орқали ушлаб қолинади. Аъзолик бадалларининг бир қисми одамлардан тўғридан-тўғри йиғиб олинади. Тўпланган маблағларнинг асосий қисми бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолади. Швеция касаба уюшмалари марказий ташкилотига маблағларнинг ўртача 9 фоизи келиб тушади.

Йиғилган маблағларнинг катта қисми касаба уюшмалари ходимларига маош учун, касаба уюшмалари фаолларини ўқитиш ҳамда халқаро марказларга аъзолик бадали сифатида тўплаш учун сарфланади. Бир қисм маблағ касаба уюшмалари томонидан бошқариладиган ишсизлик бўйича кишиларга берилади.

Швеция касаба уюшмалари маълум миқдордаги мулкка эгалик қиладилар. Банк, суғурта муассасалари, сайёҳлик фирмаларидаги акциялар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

ФИНЛЯНДИЯ КАСАБА УЮШМАЛАРИ. Мамлакатда ҳозир учта миллий касаба уюшмалар маркази ишлаб турибди. Финляндия касаба уюшмалари марказ ташкилоти уларнинг энг йириги дир. Унинг сафларига 1 миллиондан ортиқ киши, яъни Финляндия ишчи кучларининг ярмидан кўпроғи жипслашган.

Аъзолик бадаллари касаба уюшмаларига келиб тушадиган маблағларнинг 64,6 фоизини ташкил этади. Қолган маблағлар акцияларга қўйилган пуллар ҳамда ноширчилик фаолиятидан келадиган даромадлардан иборат.

Сўнгги йилларда аъзолик бадаллари миқдори касаба уюшма аъзолари берадиган бадалларнинг 1,4 фоизидан иборат қилиб белгиланмоқда. Бадаллар бевосита корхоналар кассалари орқали йиғилиб, сўнг касаба уюшмалари ихтиёрига ўтказилади.

Аъзолик бадалларининг учдан икки қисмидан кўпроғи бошланғич касаба уюшмаларида қолади. Бадалларнинг тахминан 7 фоизи марказга етиб боради. Бюджетнинг харажатлар қисми касаба уюшмалари аппарати ходимлари иш ҳақи, маъмуриятининг сарф-харажатлари капитал маблағлар, тижорат корхоналарида низомий жамғармалар ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Финляндия касаба уюшмалари ихтиёрида бундан ташқари ишсизларга ёрдам кассалари ҳам бор. Уларга маблағлар аъзолик бадаллари билан бир вақтда ўтказилади.

ХИТОЙ КАСАБА УЮШМАЛАРИ. Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси ташкилотидир. Унинг 104 миллион кишидан ортиқ аъзолари бор.

Касаба уюшмалари аъзолари тўлайдиган ва ойлик маошининг 0,5 фоизидан иборат бадаллар (ҳар бир ишловчидан шахсан йиғилади), корхоналар, меҳнат ҳақи жамғармасининг 2 фоизи миқдорида ўтказадиган маблағлар ҳамда ўз корхоналари, меҳмонхоналари, ресторанларидан тушган даромадлар Хитой касаба уюшмалари маблағларининг асосини ташкил этади.

Касаба уюшмалари аъзоларидан йиғиладиган бадалларнинг ҳаммаси, корхоналар меҳнат ҳақи жамғармаларидан ўтказадиган маблағнинг 60 фоизи бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолади. Қолган 40 фоиз маблағ уезд касаба уюшма ташкилотига жўнатилади. Улар ўз анжуманлари белгилаган миқдорда тушган маблағнинг тегишли қисмини ўзларида олиб қоладилар.

Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси корхоналар ўтказадиган 2 фоизлик маблағининг 5 фоизини ўз фаолиятини ташкил этишга сарфлайди.

Хитой касаба уюшмалари йиллик даромади 23 миллиард 600 миллион юандан иборат 120 минг корхонага эгалик қилади. Касаба уюшмалари бюджетидан маблағлар касаба уюшмалари ходимларига маош учун, камқувват уездларга ёрдам сифатида, ўқув юртларини, ноширлик фаолиятини, халқаро ишларни маблағ билан таъминлаш учун сарфланади. Заҳира жамғармасидан эса бошқа мамлакатлар касаба уюшмаларига ёрдам бериш учун фойдаланилади.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАДАНИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТ

Мустақиллик — халқимиз ҳаётида янги саҳифа очди. Мустақиллик ҳар бир соҳа каби маданият оламига янги соф ҳаво олиб кирди. Бу янгиланишда маданиятимиз жабҳасидаги барча анъаналарга янгича қараш, адолат ҳукмидан бирма-бир ўтказиш, пучини пучга, тўқини тўққа ажратиш даври келди. Мустақиллик шарофати билан эсдан чиққан ёки унутилган айрим удумларимиз, қадриятларимиз тикланди. Наврўзимиз кенг қанот ёзиб, ҳар бир оилага қувонч ва шодлик олиб келди. Маданиятимизда содир бўлган "оқ доғлар" тўлдирилди, диний поэзиямизга кенг йўл очилди. Аҳмад Яссавийлар, Амир Темурлар ўзларининг ҳаққоний баҳоларини олиб, бутун бўй-бастлари билан халқимиз кўз ўнгида намоён бўлдилар, Чўлпон ва Фитратлар халқимиз бағрига савлат тўкиб, тўла кириб келдилар.

Охирги икки-уч йил ичида маданий меросимизга тўғри ёндошилиб, жуда катта ишлар қилинганлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, унга муносабат масаласида, уни баҳолаш ва характерлаш соҳасида баъзан баҳсли, чалкаш ва хато фикрлар ҳам баён қилинаётганга ўхшайди. Бу танқидий мулоҳазаларимиз асосан кейинги 70 йил ичида яратилган маданий меросимизга муносабатда янада яққолроқ кўринмоқда. Матбуотда шу даврда маданиятимизда рўй берган ўзгаришларни бутунлай инкор этувчи фикрлар пайдо бўлиб қолаяпти. Жумладан, нафақат совет даврида, балки чор Россияси Туркистон ўлкасини забт этган пайтдан бошлаб маданиятимиз инқирозга учраган эди, деган даъво ҳам учрайди. Хўш, бу тўғрими? Эътироф этишимиз керакки,совет ҳокимияти йилларида жуда катта хатоларга йўл қўйилди. Маданиятимизнинг қатор арбоблари асоссиз қатағон қилинди, айрим урф-одатларимизга чек қўйилди. Баъзи интилишларнинг йўли тўсилди. Бундай нуқсонларни жуда қаттиқ қоралашимиз лозим. Лекин биз бу ерда жиддий бир масалани аниқлаб олишимизга тўғри келади.

Айримлар халқ яратган санъат билан, баъзи бошлиқларнинг хато раҳбарлигини ёки тузум келтириб чиқарган оқибатларни бир-бирига қориштириб юбориб, 70 йилда яратилган маданиятимизни камситишга, инкор этишга, уни балчиққа булғашга уриниб кўрмоқдалар. Ахир, ҳақиқий санъатни беш-ўнта раҳбар ёки тузумгина яратмайди-ку?! Маданият ва санъат шу халқнинг мулки, унинг ижодий меҳнати самараси билан бунёдга келган. Асл, маҳорат ва қобилиятли фарзандлар ғоят катта, изчил, мураккаб, оғир изланишлари туфайли санъат шаклланди, вояга етди, улғайди.

Яқинда телевидение орқали маданиятимизнинг икки улкан арбоби — Ҳалима Носирова ва Тўхтасин Жалилов ҳақидаги видеофильмларни кўриб, жуда ҳам лаззатландим. Гап лаззатланганимдагина эмас, балки ўзбек санъатини қанчалик юксалганлигини намоён эта олинганлигидадир. Маданий меросдан олиб кўрсатилган бу икки шингилгина лавҳа хаёлимни ўтмишга, яъни таърифланган "инқироз" даврига олиб кетди...

1937 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтказилганди. 24 яшарли ўзбек қизи Ҳалима Носировага халқ артисти унвони берилади. Бу ёшдаги санъаткор шундай юксак унвонга эга бўлиши биринчи ҳодиса эди. Шунинг ўзиёқ ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам санъат жиҳатдан жуда катта аҳамият касб этади. Ҳалима Носированинг жарангдор, ширали, ёқимли, гўзал овозидан мафтун бўлмаган ким бор? Айниқса, у чет элда ўз маҳоратини намойиш этганда, халқ оёққа туриб олқишлаганини, айниқса Хитойдаги гастролда мамлакатнинг барча раҳбарлари унга қойил қолиб, тик туриб, узоқ вақт зўр ҳурмат бажо келтирганликларини эслаб ўтишни жоиз деб биламан. Бу ҳам "инқироз"ми?

Ёки бўлмаса Тамарахоним ўз ансамбли билан жаҳонни кезиб, ўз санъатини кўз-кўз қилиб, томошабинларни мафтун этиши ҳам "инқироз"га кирадими? Ўзбек рақсининг қироличаси Мукаррама Турғунбоева Ҳиндистонда концерт берганда ўз санъати билан бутун халқни қойил қолдиргани-чи? Ж. Нерунинг "Ҳиндистонни Бобур қилич билан ишғол этган бўлса, Мукаррама Турғунбоева эса ўз санъати билан забт этди" деган сўзлари маданиятимизга берилган жуда юксак баҳо эмасми?

Отахон кошонамиз Ҳамза номидаги Академик драма театрида Аброр Ҳидоятов ижросида "Отелло" спектаклини кўрган Буюк Британия парламент аъзолари В. Шекспир Ватанида ҳам бундай "Отелло"ни кўрмаганликларини эътироф этишларида ҳам олам-олам маъно бор-ку!

Биз бу ерда икки ёш жанр ҳақида тўхталмоқчимиз. Бири — кино санъати ҳақида бўлса, иккинчиси — операдир.

Маълумки, Ўзбекистонда кино санъати 1924 йилда пайдо бўлиб, 30-йилларнинг охирларида овозли фильмлар чиқарила бошланди. Кино санъатимиз ёш бўлишига қарамасдан навқиронлик палласига кирди, тездан бадиий дурдоналар ярата бошлади. "Тоҳир ва Зуҳра", "Алишер Навоий" каби фильмларимизнинг шуҳрати оламга таралди. Бу юз йиллик тарихга эга жаҳондаги илғор студиялар билан бизнинг миллий студиямиз бемалол беллаша олади, деган маънони англатади, десак муболаға бўлмас.

Охирги вақтлар миллий опера санъатимиз ҳақида гап кўпайиб кетмоқда. Баъзи санъатшунослар бизга опера керак эмас, у миллий руҳимизга зид, халқ операни ҳазм қилмайди, уни тушуниш учун минг йил керак, деб юришибди. Бу албатта, юксак дидли, чуқур маданиятли ўзбек халқига туҳмат, ҳақоратдир. Миллий томошабинларимиз пухта, яхши чиққан операларни жони-дили билан кўради, томоша қилади. Бошқа халқларнинг мусиқасини, Штраус, Верди, Бизе, Чайковскийларнинг опера ва вальсларини севиб эшитган ўзбек томошабинлари, ўзининг миллий операларидан воз кечадими? Эсимда, 1939 йили яратилган биринчи ўзбек операси "Бўрон"ни ўзбеклар завқ-шавқ билан томоша қилишган. "Дилором", "Майсаранинг иши" каби опералар халқимизнинг қалбига сингиб кетган. Тўғри, пухта, баркамол миллий опералар кам яратилмоқда. Ҳа, мусиқа санъатининг юксак поғонаси бўлган операларни ёзиш оғир, мушкул.

Жаҳон маданиятида бу санъат тури пайдо бўлганлигига бир неча асрлар бўлишига қарамай, яхши операларнинг сонини 20—30 дан ошира олмаймиз. Жаҳон бадиий дурдоналари сафига бизнинг айрим операларимизни киритишимиз мумкин деб ўйлайман. Ҳа, жаҳон операси "панжасига панжа урмоқ"нинг ўзи бўлмайди. Бу фикримни икки мисол билан исботламоқчиман. Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театримиз қатор чет эл мамлакатларида асарларини намойиш этганида, опера санъатимиз деярли ҳамма вақт юқори ижобий баҳога сазовор бўлган. Иккинчи мисол: Буюк Британия давлатининг раҳбарларидан бири "Дилором" операсини эшитиб, қойил қолган эди ва уни Лондондаги опера театри саҳнасида қўйиш учун керакли материалларни юборишни Мухтор Ашрафийдан илтимос қилганди. Бунинг жонли гувоҳи бўлганлигимни мамнуният билан қайд қиламан. Оёққа туриб олган, қаддини ростлай билган, маданий меросга айланган миллий операни йўқотиш инсофдан бўлармикин? Тўғри, унинг муаммолари кўп. Томошабин масаласини, яхши операларни яратиш муаммосини ҳал қилиш лозим. Аммо бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириб қўймайлик.

Шу нарсани таъкидлаб ўтишимиз лозимки, опера барча тараққий этган мамлакатларда узоқ вақтдан бери яшаб келмоқда. Энди мусулмон давлатларига келсак, Туркияда 3 та опера театри мавжуд. Исломнинг ватани ва макони бўлган Мисрда илк опера театри 1869 йилда ташкил топган, яқинда эса 12 минг томошабинга мўлжалланган янги опера театри очилди.

Маълумки, опера ҳар бир халқнинг маданий савиясини белгилайдиган санъат, унинг кўрки ва фахридир. Шу сабабдан ҳам юқори савияга ва маданиятга эришган ўзбек халқи ўзининг барқарор опера театрига эга бўлишини табиий бир ҳол деб қараймиз. Унинг тараққиёти учун барча чора-тадбирларни кўришимизни мустақиллик даври тақозо этади.

Шу нарсани очиқ-ойдин айтишимиз керакки, шу ўтган йиллар ичида маданий меросимизни тиклаш, тарғиб қилиш, тадқиқотлар олиб бориш жабҳасида айрим хатоликлардан қатъий назар, жуда катта ишлар қилинган. Маданиятимизга оид, унинг намояндаларига бағишланган кўп китоблар чоп этилди, улар ижодларининг деярли барчаси халқимизга етказилди. Қатор далиллардан фақат бирини келтириш мумкин:

Академик Юнус Ражабий халқ мусиқаси ва мақомларини нотада ифодалаб, олти жилдлик "Шошмақом", беш жилдлик "Ўзбек халқ мусиқаси" каби китоб ва тўпламларни нашр эттириб, олийжаноб вазифани бажо келтириш билан катта маданий меросимизни абадийлаштирди. Булар ҳаммаси "анъаналаримиздан айрилган", санъатимиз "инқироз"та учраган даврда пайдо бўлган ва ривож топган. Биз бу йиллардаги фақат баъзи фактларнигина тилга олдик, холос. Улар сон-саноқсиздир. Бу-лар ҳаммаси келажаги буюк бўлган халқ меҳнатининг самараси, унинг ажойиб фидойиликларининг мевасидир.

Маълумки, халқнинг донгини жаҳонга таратадиган омиллар — санъат, адабиёт, илм-фандир. Лекин булар ичида энг оммабопи, инсонлар қалбига тездан етиб борадиган маданият, санъатдир. Шу сабабдан ҳам инсонларнинг онгига қаттиқ таъсир этган, қудратли кучга эга бўлган маданият барча даврларда ҳам давлат, жамиятнинг диққат-эътиборида бўлган. Ўзбек маданияти ва санъатининг ҳам жамиятда, халқаро тақдирида ўйнаган роли чексиздир.

Замонимизнинг таниқли адиби Чингиз Айтметов: "Византия маданият ва маърифатда славян халқларига нечоғлик таъсир кўрсатган бўлса, Ўзбекистон, ўзбек маданияти ҳам барча туркий халқларга шундай ижобий таъсир кўрсатиб келган" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 16 сентябрь 1994, № 37—38, 7-бет) деб бежиз айтмаган эди.

Ким нима деса деяверсин, лекин менга миллионлар қатори қалбимга санъат нурини ёғдирган, эстетик завқ берган, маънавий дунёмни бойитган, руҳимни кўкларга кўтарган, маҳорат сирларидан воқиф этиб, бадиият оламига бошлаб кириб, унга чексиз муҳаббат уйғотган маданиятимиздан бағоят миннатдорман, ажойиб адабий меросимиз билан фахрланаман. Мен санъатимизнинг тенги йўқ дарғалари Ҳалима Носирова ва Тамарахоним, Аброр Ҳидоятов ва Шукур Бурхонов, Тўхтасин Жалилов ва Мухтор Ашрафий, Мукаррама Турғунбоева ва Лутфихоним Саримсоқова, Наби Ғаниев ва Комил Ёрматов, Маннон Уйғур ва Сора Эшонтўраева, Қори Ёқубов ва Раззоқ Ҳамроевлар қолдирган маданий мероси билан завқланишим билан бирга, улар билан замондош бўлиб, ҳамнафас бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Шундай бўлганидан кейин яқин ўтмишимиздаги маданий меросимизга тўғри муносабатда бўлишимиз, унинг ютуқ ва камчиликларини ҳаққоний белгилаб беришимиз, пучини пучга, тўқини тўққа ажратишимиз лозим. Энг асосий гап уни тўғри баҳолаб беришда.

Тўғри, маданий меросга янгича ёндошишимиз, янгича таҳлил қилишимиз лозим. Бу бирдан-бир ҳаққоний ўлчов. Лекин баъзилар янгиликни юзакироқ тушунишади. Уларча янгилик — яқин ўтмишни, кейинги 70 йилда қилинган ишларни балчиққа булғаб кўрсатиш, мустақилликни кўкларга кўтариб, мақташдан иборат. Янгиликни белгиловчи энг асосий мезон — бу ҳақиқат. Ҳамма замонлар учун ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам энг улуғ куч — ҳақиқат. Ҳақиқат янгиликнинг салобатини, унинг қийматини, мустақилликнинг туб моҳиятини аниқлаб беради. Янгилик эса ҳамиша ҳам ҳақиқат бўлавермайди. Тарихдан маълумки, кўп янгиликлар ҳаётий заминга эга бўла олмаганликлари, келажакка аниқ асосланмаганликлари сабабли дами чиқиб, пучак ҳолга тушиб, ясама бир нарсага айланиб қолганлар. Шу сабабдан ҳам халқимиз "Ҳақиқат ўтда ҳам куймас, сувда ҳам чўкмас" деб бекорга айтмаган эди.

Ўтмишни асраш, маданий меросимизга иззат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш масаласида юртбошимиз Ислом Каримов намуна кўрсатди. Унинг қуйидаги сўзлари биз учун ибратли ҳамда дастурул амалдир. "Бизлар эски тузумни қоралашга ўрганиб қолганмиз... Табиийки, эски тузумнинг ҳам бир қанча маъқул жиҳатлари бор эди. Биз бу тузум устидан ўз ҳукмимизни чиқарар эканмиз, иложи борича унинг маъқул томонларини сақлаб қолишга интилдик... Албатта, ҳаммамиз ҳам ўша тузумда шаклланган одамлармиз. Ҳеч биримиз осмондан тушган эмасмиз" (Халқ сўзи, 22 март 1994 йил)... "Биз янги ҳаёт қуриш учун бел боғладик, бироқ ўтмишга маломат тошларини отмадик. Халқимизнинг ўтмишига тош отиш гуноҳи азим, деган асл ақидасини ёдда тутдик... Ўтмишни тафтиш қилиш ёки уни инкор этиш — ўз илдизимизни ўзимиз кесишимиз билан баробар эканини яхши англадик" ("Ўзбекистон овози", 9 декабрь 1992 йил). "Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид" (Ўзбекистон овози", 10 ноябрь 1992).

Юртбошимизнинг юқоридаги фикрларидан қилинадиган муҳим хулосамиз шундай бўлиши керакки, биз бой маданий меросимизни, ажойиб миллий санъатимизни майиб қилмасдан, нуратмасдан барча гўзаллиги ва кенг кўлами билан келгуси авлодларга омон-эсон етказайлик. Унинг равнақига равнақ қўшайлик.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори.

ЯНВАРЬ

ДУШАНБА, 16

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.45 "Шеърий дақиқалар". Жуманиёз Жабборов.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Долзарб мавзу".
19.40 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Иқтисодий ислоҳот". "Ўзбектелефильм" премьераси.
21.20 ЎзТВ хазинасидан. Ўлмас Умарбеков. "Кузнинг биринчи куни". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда – Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов.
23.00 – 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Полопон".
18.55 "Йўлингиз бехатар бўлсин!".
19.25 "Ҳамшаҳарлар" видеоканали:
– "Юзма-юз".
– "Оқ қутича".
– "Ҳамшаҳарлар".
21.45 – 23.45 "Гу-Га". Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Ритм, фантазия, балет".

*

"ОМАД" таништиради:

20.25 "Совға".
20.55 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.15 Эълонлар.
21.25 Видео – "О".
23.05 Эълонлар.
23.10 "Курьер".
23.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
23.40 – 23.50 "Постфактум".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳамманинг тилида".
18.30 Кубань "Казачья вольница" ансамблининг концерти.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Париж – Гранада – Дакар" ралиси.
19.55 "Аянчли тақдири билан ҳам бахтли..." Э. Ю. Урусова.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 А. Солженицин билан учрашув.
22.00 "Оталар юртини кўрсатинг бизга..." (А. С. Грибоедов туғилган куннинг 200 йиллигига).
22.45 – 23.15 "Видеомикс".

СЕШАНБА, 17

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Атака". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Халқ куйларин қалбингда сақла". Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб..."
12.30 "Театр. Шарқ-Ғарб". Телефильм.
13.00 Немис тили.
13.20 "Талабалар саҳнасида".
14.20 – 14.50 "Кафолат".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Умид учқунлари".
18.40 "Кашф этилаётган имкониятлар".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Нон таъми".
21.30 "Алпомиш авлодлари". 1994 йилги футбол мавсуми якунига бағишланган кеча.
22.15 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Ўлмас гарнизон". Бадиий фильм.
23.50 – 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Бу сир эмас".
19.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 "Видеогид".
20.20 "Теле-ателье-шоу".
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 – 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".

19.40 "Мультқарусель".

19.55 "Ёшлик" студияси. "Мактубингизни ўқиб".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 "Эзгулик уйида". Украина миллий маданий маркази.
22.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.40 – 23.15 Янги номлар. "Атлас" гуруҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 – 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Вазият".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Гол".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.50 "Олтин шлягер".
22.35 – 23.50 "Қулоқ сол, Феллини..." Телевизион бадиий фильм ("Мосфильм", 1993 й.).

ЧОРШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Аёллар салтанати". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 "Қалдирғоч". Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.30 Алифбо сабоқлари.
13.00 "Ислоҳот одимлари".
13.25 – 15.25 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Бевосита мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Йигирма биринчи аср бўсағасида".
21.30 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов.
22.00 "Меҳрибонгинам". Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
23.15 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.40 "Меҳрибонгинам". Бадиий фильм (Ҳиндистон). 2-серия.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Ўзим ҳақимда".
19.00 "Мусиқий меҳмонхона".
20.00 "Дарвоқе...".
20.40 "Нурли хотиралар".
21.40 "Тошкент оқшомида".
22.40 "Чемпион билан учрашув".
23.00 – 00.05 "Тўмарис". Фильм-балет.

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".

*

19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 – 23.45 "ОМАД" таништиради: "Спорт қитъаси".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 – 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда – Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ф. Кафка.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Орзу-хаёллар фабрикаси".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Монолог".
21.50 – 22.40 "Зафар" мукофотининг топширилишига бағишланган концерт.

ПАЙШАНБА, 19

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Вена почта маркаси". Бадиий фильм.
10.20 "Улоқ". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 "Куйла, Санобар". Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 "Болалар меҳмонхонаси".
12.30 "Ёшлик" студияси. "Учрашув".
13.30 -15.30 "Маърифат" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бувижоним ўзлари – дуру гавҳар сўзлари".
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Унутилмас сатрлар". Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Мозийга бир назар".
21.20 Мақом кечаси.
22.00 "Аршин мол-олон". Бадиий фильм.
23.20-23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Ишингиз бароридан келсин".
19.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.30 "Бир шингил ҳангома".
19.40 "Теле – ателье – шоу".
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 – 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.55 "Ислоҳот ва муаммо".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.35-22.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30-9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 Мультфильм.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
20.00 Баскетбол. Клублар ўртасида Европа чемпионати. Эркаклар. МАСК – "ПАОК" (Греция).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Москва, Кремль".
22.00-22.30 Хабарлар.

ЖУМА, 20

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Хато қилишга ҳаққинг йўқ". Бадиий фильм.
10.25 Немис тили.
10.45 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.15 "Муҳаббатим куйлайман". Мусиқий композиция.
11.45 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб...".
12.15 "Дарахт ва унинг новдалари". Телефильм.
12.45 – 14.45 "Синов даври". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Вазият".
18.40 Бухоро вилояти филармониясининг яккахони Баҳодир Ражабов куйлайди.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ишбилармон".
19.45 "Санъат олами".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Фармон ва ижро".
22.00 "Барҳаёт наволар". Ҳожихон ва Нурмуҳаммад Болтаевлар.
23.20 – 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Учқун".
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.30 "Билиб қўйган яхши".
19.55 "Экология ва ҳаёт".
20.35 "Бу бўстон аро...".
21.15 – 00.35 "Жиноят ва жазо". Бадиий фильм. 1 – 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.55 "Марду майдон". Тошкент вилояти.
21.15 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

"ОМАД" таништиради:

22.05 "Камалак".
22.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 Эълонлар.
22.50 "Даракчи".
23.00 Эълонлар.
23.10 – 00.40 Видео – "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 – 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.25 "Людмиланинг буржи". Телевизион ҳужжатли фильм.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.00 – 23.10 "Детективлар клуби"да. "Гуруҳ". Телесериал (Франция). 2-серия.

ШАНБА, 21

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Катта йўл". Бадиий фильм.
10.35 "Шоҳруҳ" клуби".
11.05 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
11.20 "Ёшлар билан юзма-юз".
11.50 "Ҳужжатли экран".
12.35 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
13.05 Г. Мдивани. "Жонли тузоқ". Ҳамза номидаги Қўқон театрининг спектакли.
14.15 "Ёшлик" студияси. "Адолат".
14.45 – 16.05 Болалар учун фильм. "Бор эканда, йўқ экан".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Гулғунчалар".
18.20 Спорт хабарномаси.
18.25 "Ўзбекистон футболи". Видеофильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Бўстон". Телевизион журнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти ("Туркистон" саройидан ёзиб олинган).
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Бу сир эмас".
10.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 "Видеогид".
10.50 "Теле-ателье-шоу".
11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 "Кинонигоҳ".
13.15 "Омад" тақвими.
13.20 "Жозиба".
13.40 "Ишингиз бароридан келсин".
13.55 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.15 "Бир шингил ҳангома".
14.25 "Теле-ателье-шоу".
14.35 Видео янгиликлари.
15.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
15.45 – 17.00 "Кинонигоҳ".

***

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Ҳамкасблар".
19.40 "Пульс". Хабарлар.
19.55 "Диққат: репетиция!".
20.35 "Янги йил оқшомида" (такрор.).
21.20 – 23.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Умид" (уйғур тилида).
10.30 "Вариацияли мавзу". Верико Анджапаридзе.
11.00 "Жонли сайёра".
11.20 – 12.00 "Дидар" (қозоқ тилида).

***

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.55 "Ёшлик оқшоми".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.35 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.00 "Рангинкамон".
21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.00 "Барча юлдузлар". Билли Холидей.
22.40 – 23.00 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 "Ақлли болалар ва оқила қизлар".
18.25 "Ўшангача ва ундан сўнг".
19.15 "Эльбурсни кўзлаб нонушта". Телевизион бадиий фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 Фантастик воқеалар, ҳангомалар, қизиқ ҳодисалар.
22.25 – 23.25 "Матадор".

ЯКШАНБА, 22

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Умрбоқий ва ҳамиша навқирон". Телефильм.
9.15 "Қувноқ стартлар".
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 Болалар учун фильм. "Қўғирчоқ бола".
11.45 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.15 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
13.00 "Авлиё Лука"нинг қайтиши". Бадиий фильм.
14.30 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
15.10 – 15.40 "Ёримга айт". Лирик концерт.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб".
18.25 "Тасвир". Кинокўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".
19.55 "Якшанба оқшомида".
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 Эстрада концерти.
22.05 "Қизлар". Бадиий фильм.
23.40 – 00.10 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
17.55 Видео – "О".
19.40 Эълонлар.
19.45 "Курьер".
20.05 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.15 "Постфактум".
20.25 "Панорама".
20.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 "Даракчи".
21.25 Эълонлар.
21.30 – 23.00 Видео – "О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Таклифлар ва таширфлар".
10.20 "Интердиалог".
11.00 – 11.20 "Орол тароналари". Фильм-концерт.

***

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Ёшлик" студияси. "Зиё".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.20 "Дунё эшиги".
23.05 – 23.25 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.10 "Кўрманаси бор шпаргалка".
18.20 "Уолли қаерда?", "Питер Пуш". Мультфильмлар (АҚШ).
19.20 "Бутун Россия".
19.50 "Учинчи кимсанинг яқин атрофидагилар". Бадиий фильм (АҚШ, "Коламбия пикчерс").
22.00 – 22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ҚЎШМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ФИРМАЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларингизни, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган хизматларни фақат бизнинг газетамиз орқалигина кўпчиликка реклама қилишингиз мумкин.

Чунки "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталари республикамизнинг турли бурчакларига кўп нусхада кенг тарқалади.

Сиз газетамиз саҳифалари орқали ўз ходимларингизни, ёр-биродарларингизни, қариндош-уруғларингизни уларнинг туғилган кунлари, байрамлари ва бошқа маросимлари билан табриклашингиз, хусусий уйлар, квартиралар, дала ҳовлилари, автомашиналар ва бошқа моллар сотиб олиш, сотиш ёки айирбошлаш ҳақидаги эълонларни чоп эттиришингиз мумкин.

Хизматингизга тайёрмиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. 5-қават. "Ишонч" — "Ишонч-Доверие" газетаси таҳририяти. Телефон: 56-52-78.

"Ишонч" газетаси таҳририяти жамоаси газета ходими Шоира МЎМИНОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

"ИШОНЧ" СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Муҳтарам касаба уюшмаси фаоллари. Азиз газетхонлар!

"Ишонч"нинг биринчи сонини ўқиб чиқдингиз. Сизга манзур бўлган бўлса, у ҳолда хонадонингизда яна бир суҳбатдош кўпайганлигидан хурсандмиз. Келгуси сони қандай чиқаркин, қаердан топсам экан? деган ўйдан ташвишланманг. Бунинг иложи бор.

Сиз азизлар, 10 ФЕВРАЛГАЧА обуна бўлишга улгурсангиз март ойининг биринчи ҳафтасидан бошлаб то йил охиригача газетани хотиржам ўқийверасиз. Борди-ю, улгурмасангиз унда яна бир ойга кечикасиз.

"Ишонч" — мамлакатимизда энг арзон газеталардан бири.

Обуна бўлишга шошилинг!

Фуқароларнинг якка тартибдаги обуна баҳоси: 81 сўм.

Корхона ва ташкилотларнинг обуна баҳоси: 148 сўм 10 тийин..

ҚУЛАЙ, ГЎЗАЛ ВА БЕЖИРИМ

Инсоният ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Либос — инсоннинг кўрки дейишади. Шунинг учун одамлар, айниқса, аёлларимиз бежирим, чиройли кийинишни ёқтиришади. Бу эса кийимларни маълум бир тартиб, дид билан тикишни, яъни мода асосида кийинишни талаб қилади. Модалар тез ўзгарувчан бўлса-да, унинг ҳамишалик қонуниятлари ва йўналишлари мавжудки, булар урф бўлган кийим-кечакнинг қулай, фаслга мос ва хушбичим бўлишидан иборат.

Модани саноат ва санъатнинг синтези — иккининг уйғунлашган кўринишидейиш ҳам мумкин. Рассом-моделерлар тайёрлашган эскиз ва намуналарни санъатга тааллуқли маҳсулот десак, уни халққа манзур даражада ишлаб чиқариш саноат зиммасидадир.

Республикамиз мода марказида Абдукарим Ашурбоев, Лола Мардиева, Лариса Гордиенко сингари истеъдодли рассом-моделерлар, Нигора Муҳамедова каби санъатшунослар ижод қилишмоқда. Улар яратаётган моделлар ишлаб чиқариш корхоналарида, тикув фабрикаларида кўплаб ҳажмда тикилиб, аҳолига манзур бўлаётгани сир эмас. Марказ жамоаси халқимизнинг замонавий, қулай ва чиройли кийимларга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Модалар марказида кенг ассортиментдаги эркаклар, хотин-қизлар ва болалар либосларига оид замонавий, ҳам миллий колоритлар сингитиб юборилган моделлар яратилмоқда.

Ҳадемай қиш фасли тугаб, ўлкамизга гулбаҳор сеп ёяди. Баҳор — байрамларга бой мавсум. Ҳар бир аёл баҳор келиши билан ўз гардеробини янгилаш тараддудига тушади. Марказ ходимлари ҳам бу мавсумни алоҳида тайёргарлик билан бошлашади. Мода марказининг синов корхонасида аввалига оз миқдорда — 500-600 нафарга етказиб хотин-қизлар учун блузалар, кўйлаклар, костюм-комплектлар, халатлар тикилиб аҳолига тавсия этилади. Бу молларни Бош универсал магазини, Марказий универсал магазини, "Ўзбекистон" савдо бирлашмасининг дўконларидан, марказ қошидаги дўкон-салондан харид қилишингиз мумкин.

Кўкламда хотин-қизларимизга атаб, аралаш газлама — полиэстердан, крепдишин, крепжожетдан костюм, кўйлак, комплектлар тикиляпти. Наврўз байрамига атаб миллий газламамиз бўлган атлас, беқасам, товардан ҳам костюм ва блузалар тайёрланяпти.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

Сиз азиз газетхонларимизни ана шу республика модалар марказидаги энг яхши кийимлар андозалари билан мунтазам таништириб беришни ният қилиб қўйдик. Суратда шу йил баҳорида кенг оммавийлашиши мўлжалланган моделлардан андозаларни диққатингизга ҳавола этяпмиз. Дидингиз мос келса — кўнглингиз дагидек қилиб тикиб олишингиз, бунинг иложини қилолмасангиз кийим дўконларидан излаб топишингиз мумкин.





Илми нужум талқинлари

ЕТТИ КУН: ОМАДЛИ СОАТЛАР

Азиз ўқувчи кимки ўзини режа қилган амаллари учун муносиб вақт топиб иш бошласа у албатта ўз орзу мақсадига етади. Биз қуйида бу вақтларни тажрибалар ва илм орқали аниқлаган тахминий вақтларни айтиб ўтдик. Кимки буларга амал қилиб борса у иншооллоҳ яхшиликларга эришиши мумкин.

ШАНБА КУНИ. Бунинг 1-соат — Зуҳалники, унда инсонларнинг қалбини забт этиш учун ва уларнинг меҳрини қозониш учун қилинган амалларнинг муваффақиятли тугаши кутилади.

Иккинчи соат — Муштарийники. Бунда урушга ва жанжалу аразлаш кишилар ўртасини ислоҳ қилиш ишлари муваффақиятли тугайди.

Учинчи соат — Миррихники. Бу пайтда нохуш ишлар рўй бериши мумкинлиги учун ён атрофдагилар билан эҳтиёт бўлиб муомалада бўлиш матлубдир.

Тўртинчи — Қуёшники. Бу пайтда амалдорларнинг қабулларига кириб яхши натижаларга эришиш мумкин.

Бешинчи соат — Зуҳроники.

Олтинчи соат — Аторудники. Бу пайтда ов қилиш кўнгилдагидек бўлиши кутилади.

Еттинчи соат — Ойники. Нахс соат бўлиб, бу пайтда ҳеч бир ишга қўл урмас маъқулроқ.

Саккизинчи соат — Зуҳалники. Бу пайтда одам соғлиқ билан шуғулланиши фойдали.

Тўққизинчи соат — Муштарийники. Бу пайтда ҳар қандай ишни қилсанг муваффаққиятли тугайди.

Ўнинчи соат — Миррихники. Бунда ҳам киши ўз соғлигига кўпроқ аҳамият бериши лозим. Чунки бу вақтда ҳам кишининг соғлиги ёмон тарафга ўзгариши мумкин.

Ўн биринчи соат — Қуёшники. Бу пайтда жанжалпашган оилаларни ислоҳ қилиш муваффақиятли тугайди.

Ўн иккинчи соат — Зуҳроники. Бу пайт амалдорлар ҳузурига кирганлар ноумид бўлиб қайтмайдилар.

ЯКШАНБА КУНИ — Биринчи соат қуёш таъсирида бўлиб бу ҳоким ва бошлиқларни қабулига киришга салоҳиятлидир. Бу пайт янги либослар кийиш ҳам маъқулдир. Иккинчи соат — Зуҳроники бўлиб, у ноқулай вақтдир. Унда ҳеч бир ишни бошламаган маъқулдир. Учинчи соат — Аторудники. Унда сафар қил. Муҳаббат ва қабул яъни кишиларга манзур бўлиш имконияти бор вақтдир. Бу соатда бир кишининг меҳрини қозониш ҳам, унга меҳр кўрсатиш ҳам муваффақиятли бўлади. Тўртинчи соат — Ойники. Бу пайтда бирон нарса сотма ҳам ва олма ҳам. Яхшиси бу вақтда ҳам ҳеч қандай ишни бошламаслик маъқул.

Бешинчи соат — Зуҳалники. Бу пайтда дилни, тилни ва қўлни тийган яхшироқ. Зеро бу вақтда жаҳл, ғазаб, душманчилик кайфиятлари ғалаба қилиши мумкин. Олтинчи соат — Муштарийники. Бу вақтда ҳоким ва амалдорлардан ўз талаб ва эҳтиёжларини сўраганинг маъқул. Еттинчи соат — Миррихники. Бу вақтда ҳеч қандай ишни бошламаганинг яхши. Саккизинчи соат — Қуёшники. Бу пайтда барча ишларни қилишинг мумкин. Чунки у барча ишларга салоҳатлидир. Бу пайтда жуда омадли онлардир.

Тўққизинчи соат — Зуҳроники. Бу пайтда инсониятларни ўзига жалб қилиш ва қалбларни забт этиш йўлидаги харакатлар муваффақиятли тугайди. Ўнинчи соат — Аторудники бу пайт яхши пайт бўлиб, унда ҳам ҳар қандай ишни қилсанг яхши тугайди. Ўн биринчи соат-Ойники бўлиб, ижод билан шуғулланиш яхши натижа беради. Зеро бу пайт ҳам хайрли ва омадли пайт ҳисобланади. Ўн иккинчи соат — Зуҳалники. Бу пайт нахс вақт ҳисобланади. Унда умуман ҳеч ишга киришмаган маъқул.

ДУШАНБА КУНИ. Биринчи соат — Ойники. Муҳаббат қозониш ва тилларни лол қолдириш ҳамда қалбларни ром этишга сарф этилса натижаси яхши бўлур. Иккинчи соат — Зуҳалники. Бу пайт сафар учун маъқул вақт ва барча ҳожатлар муваффақиятли тугайдиган пайтдир. Бу пайтда китоб ёзиш ва муҳокама ишлари ҳам айни жойида бўлади. Тўртинчи соат — Миррихники. Киши ўзининг атрофдаги яқинларининг соғлигига эҳтиёт бўлиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу пайтда соғлиқ жуда таъсирчан бўлади. Бешинчи соат — Қуёшники, ҳар қандай эҳтиёжларни бажариш мумкин. Бу пайт кишиларни ўзига жалб этиб, қалбларни ром айлаш осон кўчади. Олтинчи соат — Зуҳроники. Яхши амалларни қилиш мақсадга мувофиқдир. Еттинчи соат — Аторудники, ҳожатларни бажариш учун салоҳиятлидир. Саккизинчи соат — Ойники. Уйланиш ва турмуш қуриш бу вақтда муваффақиятли тугайди. Бундан ташқари жанжаллашган ва аразлашган тарафларни яраштириш ҳам бу пайтда осон кўчади. Тўққизинчи соат — Зуҳалники. Атрофдаги кишилар билан алоқани яхшилаш, улар билан эҳтиёт бўлиб, муомала қилиш керак. Зеро бу соатда ғазаб, аразлаш ва ажралиш осон кўчиши мумкин. Ўнинчи соат — Муштарийники. Жуда ҳам бахтли соат. Бу пайтда ҳар қандай ишни қилса муваффақиятли тугайди. Ўн биринчи соат — Миррихники. Нахс соатдир. Ўн иккинчи соат Қуёшники — меҳр қозониш ва қалбларни забт этишга салоҳиятлидир.

СЕШАНБА КУНИ. Биринчи соат — Миррихники. Нахс соатдир. Иккинчи Соат — Қуёшники. Бу пайтда ҳеч қандай ишга киришма. Учинчи соат — Зуҳроники. Совчи қўйиш ва уйланиш ҳамда турмуш қуриш ҳам бу пайтда жуда яхши натижа беради. Тўртинчи соат — Аторудники. Бу пайт савдо-сотиқ учун жуда қулай вақтдир. Бешинчи соат — Ойники. Нахс вақт.Унда ҳеч қандай ишга қўл урма. Олтинчи соат - Зуҳалники. Бу пайт битим ва шартномалар тузиш учун қулайдир. Еттинчи соат — Муштарийники. Бу пайтда муҳаббат ва меҳрибонлик кўрсатиладиган муҳим пайтдир. Саккизинчи соат — Миррихники. Бу пайтда ўз соғлиғинг йўлида қайғуришинг мақсадга мувофиқдир. Тўққизинчи соат — Қуёшники. Бунда никоҳ ва муҳаббат ишлари муваффақиятли тугайди. Ўнинчи соат — Зуҳроники. Яхши пайт эмас. Шунинг учун унда бирон нарсага жаҳд билан киришмаган яхшироқ. Ўн биринчи соат — Аторудники. Бу пайт сафарга чиқмаслик маъқулроқ. Ўн иккинчи соат — Ойники. Бу пайтда кўп иш қилмаслик мақсадга мувофиқ бўлади. чунки бунда кўпроқ кутилмаган ишлар содир бўлиб қолиши мумкин.

ЧОРШАНБА КУНИ. Биринчи соат — Аторудники. Қабул ва муҳаббат учун салоҳиятли. Иккинчи соат — Ойники. Бу вақт бирон ишни бошламаган маъқул. Учинчи соат — Зуҳалники. Беморларни даволаш самарали ва муваффақиятли бўлади. Тўртинчи соат — Муштарийники. Бунда ҳар қандай яхши ишга дадил киришиш мумкин. Зеро бу дамлар жуда омадли ҳисобланади. Бешинчи соат — Миррихники. Нахс дамлар. Ҳусусан кишилар билан муомалада ғоят эҳтиёткорлик талаб қилинади. Олтинчи соат — Қуёшники. Сафар учун — қуруқликда ҳам, сувда ҳам — маъқул вақт. Бундан ташқари ҳар қандай ишга киришилса ҳам, у муваффақиятли бўлиши кутилади. Еттинчи соат — Зуҳроники. Бунда ҳам хоҳлаган иш билан шуғулланиш мумкин. Ҳаммаси яхши натижа беради.

Саккизинчи соат — Аторудники. Унда ўзи ва оила аъзоларининг соғлигига кўпроқ эътибор бериш, қайғуриш талаб қилинади. Зеро бунда саломатлик нозиклашиб, ташқи таъсирларга берилувчан бўлади. Ҳусусан, болалар соғлиғига эҳтиётлик керак. Тўққизинчи соат — Ойники. Унда ҳам ортиқча ишга берилмаган маъқул. Муваффақиятли натижани кутиш қийин. Ўн биринчи соат — Зуҳалники. Амалдор ва ҳоким-лар қабулига кириш учун жуда ҳам муносиб пайт. Ўн иккинчи соат — Муштарийники. Унда урушган, аразлаганлар орасига тушиб, уларни муросага келтириш учун қулай пайт. Унда яна қаҳри қаттиқ амалдорларнинг ҳам кўнглини олиш осон кўчади. Ўн иккинчи соат — Миррихники. Нахс давр ҳисобланади.

ПАЙШАНБА КУНИ. Биринчи соат — Муштарийники. Унда оила иқтисодини кўтариш учун қилинадиган ҳаракатлар самарали бўлади. Иккинчи соат — Миррихники. Бу пайтда уйдан чиқмаган маъқул. Зеро кутилмаган ходисалар рўй бериши мумкин. Учинчи соат — Қуёшники. Унда ўзгаларнинг меҳрини қозониш ва упар муҳаббатини қўзғатиш осон кўчади. Бу соатда сафарни бошлаш хуш кўрилмайди. Тўртинчи соат — Зуҳроники. Оила қуриш учун муносиб вақт. Бешинчи соат — Аторудники. Совчиликка бориш, турли битим ва шартномалар учун салоҳиятли дамдир. Олтинчи соат — Ойники. Бунда сафарга — қуруқликда ҳам, сув ҳам-салоҳиятли. Ҳар қандай яхши амал муваффақиятли тугайди.

Еттинчи соат — Зуҳалники. Унда муҳокамага тушишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлган маъқул. Ёмон ҳукм чиқади. Бу пайт қалам аҳллари билан учрашиш учун салоҳиятли. Саккизинчи соат — Муштарийники. Ҳамма яхши амалларни қилиш мумкин. Тўққизинчи соат — Миррихники. Катта амалдорлар билан учрашиш яхши натижа беради. Учинчи соат — Қуёшники. Бунда мансабдор, амалдорларга қилган илтимослар амалга ошади. Ўн биринчи соат — Зуҳроники. Бунда ҳам кишиларнинг қалбларини забт этиш, уларда меҳр уйғотиш осон кўчади. Ўн иккинчи соат — Аторудники. Нахс дамлар бўлиб бирор иш бошлаш яхши натижа билан тугамайди.

ЖУМА КУНИ. Биринчи соат — Зуҳроники. Бунда юборилган совчилар албатта яхши хабар келтирадилар ва бу соатда ўқилган никоҳ бахтли, мустаҳкам бўлади. Иккинчи соат — Аторудники. Бу пайтда табибга мурожаат қилган бемор, яхши наф кўради. Учинчи соат — Ойники. Нахс дам бўлиб, ўзини эҳтиёт қилган маъқул. Тўртинчи соат - Зуҳалники. Қудуқ ковлаш, булоқ кўзини очиш каби ишлар осон кўчади. Бешинчи соат — Муштарийники. Аёллар ва амалдорларга маъқул келиш осон бўлган пайт. Олтинчи соат — Қуёшники. Бу пайтда амалдорлар ҳузурига кирганлар ноумид қайтмайдилар.

Еттинчи соат — Зуҳроники. Бу пайтда ҳам оила ишлари билан шуғулланган киши яхши натижага эришади. Саккизинчи соат — Аторудники. Бундаги амаллар муваффақиятли тугайди ва мукаммал бўлади. Тўққизинчи соат — Ойники. Аҳли аёл билан эҳтиёт бўлиб муомала қилган маъқул, Зеро бу пайт оилада жанжал, араз чиқиши мумкин. Ўнинчи соат — Зуҳалники. Бу пайт ҳам нахс ҳисобланади. Ишлар кўнгилдагидек тугамаслиги мумкин. Ўн биринчи соат — Муштарийники. Кўпроқ ўзининг ва оила аъзоларининг соғлиғи ҳақида қайғуриш керак бўлади. Бу пайтда ҳам одам танаси ташқи таъсирларга берилувчан бўлади. Ўн иккинчи соат — Миррихники. Бу пайт сафарга чиқиш учун қулай ва ҳар қандай хоҳлаган ишни қилиш мумкин.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ, Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Дилбар ЖАҲОНГИРОВА, Турғунбой МАДИЁРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, Баҳодир УМУРЗОҚОВ, Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.

• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43
• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

РЎЗНОМАЛАР

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• СОТУВДА эркин нархда.
• Жума кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул: Саидазим ШАРОФХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-0030.

1 2 3 4 5 6